

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳукуқида

УДК: 657

**САЛИМОВ БОХОДИР АБДУҚОДИРОВИЧ
«ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
БЎЙИЧА ҲИСОБЛАШУВ МУОМАЛАЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ»**

5A340901-«Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент
_____ К. Мисиров**

ТОШКЕНТ-2016

МУНДАРИЖА

Кириш	2
1- боб Хўжалик субъектларида ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишнинг назарий асослари	
1.1. Хўжалик субъектларида ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишнинг мақсади, вазифалари, хусусиятлари.....	8
1.2. Хўжалик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти ҳисоблашув муомалалари таснифи	21
1.3. Хўжалик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари	40
2 - боб Иқтисодиётни барқарорлаштириш жараёнида хўжалик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятлари бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини амалий ҳолати	
2.1. Хўжалик субъектларида экспорт муомалалари бўйича ҳисоблашувлар ҳисоби.....	46
2.2. Хўжалик субъектларида импорт муомалалари бўйича ҳисоблашувлар ҳисоби.....	59
2.3. Хўжалик субъектларида консигнация муомалалари бўйича ҳисоблашувлар ҳисоби.....	65
3 - боб Экспорт ва импорт операцияларини ташқи иқтисодий фаолиятлари бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини такомиллаштириш	
3.1. Ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоблашувлар тахлили	77
3.2. Хўжалик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини такомиллаштириш.....	84
Хулоса ва таклифлар	87
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	90
Иловалар	

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй беради. Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълумки иқтисодиётни ўсиш сурати ва халқнинг турмуш даражаси унинг халқоро савдо ва меҳнат тақсимоти афзалликларидан самарали фойдаланилаётганлигига бевосита боғлиқ. Ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш ва ривожлантириш иқтисодий ҳаракатда асосий йўналишлардан бири сифатида олинади. Негаки, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ва жаҳон бозорининг актив иштирокчисига айланиш корхоналар фаолиятининг муҳим ва самарали йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов такидлаганларидек “Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютиқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги локоматив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижасидир”¹

Айниқса 2011 йилда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йилида кичик бизнес соҳаси маҳсулотлари экспорт қилиш борасида қўшимча имкониятлар яратиш алоҳида вазифа этиб белгиланган.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов такидлаганларидек “Кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча

¹ И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асари, Тошкент 2009 й. 8-бет

ички процедураларни бартараф этиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида қўшимча переференциялар бериш зарур”²

Мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолият муносабатларни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ривожлантириш жараёнида, хўжалик субъектларида экспорт ва импорт операциялари бўйича юзага келадиган ҳисоблашув муомалалари ҳисобини тўғри амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида тўғри ҳисобга олиб боришни назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ташқи иқтисодий фаолият бўйича хўжалик юритувчи субъектларда экспорт ва импорт операциялари бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил қилиш бўйича хорижий давлатларнинг етакчи иқтисодчи олимлари Н.В.Ульянова, К.Г.Ганеев, В.П.Астахов, С.Д.Юшкова, Ю.А.Григорьев, В.Н.Жуков, И.П.Комисарова, М.Б.Марель, Г.В.Кулинина, Н.Г.Шалашова, Л.Е.Стровский, О.С.Эзолова республикамізда қатор иқтисодчи олимлар ва амалиётчи мутахассислар М.Ш.Шарифхўжаев, Ш.У.Ҳайдаров, Э.Ф.Гадоев, А.В.Ваҳобов, Б.А.Хасанов, З.Т.Маматов, А.С.Сотиволдиев, Л.П.Югай, А.Т.Иброҳимов, М.М.Тўлаходжаева, Б.К.Ҳамдамов, И.К.Очилов, Ҳ.А.Тухсанов, Б.Қ.Абдиназаровларнинг илмий ишлари бағишланган бўлиб уларда иқтисодётни ривожланиши даврлари бўйича экспорт, импорт операциялари бўйича ҳисоблашувлар ҳисобини ташкил қилиш бўйича илмий ёндашувлар акс эттирилган. Жаҳон молиявий инқирози шароитида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларида экспорт, импорт операциялари бўйича ҳисоблашувлар ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда жаҳон молиявий инқироз шароитида ташқи иқтисодий фаолият ҳисоби назарияси ва амалиётини уйғунликда комплекс тадқиқ қилишга йўналтирилган алоҳида махсус илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмаган.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

² Президент И.Каримовнинг Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тарақиётининг юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган ЎзР ВМдаги маърузаси. Ўзбекистон овози газетаси. 2013 йил.

боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Хўжалик юритувчи субъектларида ташқи иқтисодий фаолиятида юзага келадиган экспорт ва импорт ҳисоблашув муомалалари ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, куйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида хўжалик юритувчи субъектларида ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишни илмий жиҳатдан асослаш;

- хўжалик юритувчи субъектларида ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишни меъёрий ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

- хўжалик юритувчи субъектларида экспорт операциялари бўйича ҳисоблашувлар ҳисобини амалий ҳолатини ўрганиш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- хўжалик юритувчи субъектларида импорт операциялари бўйича ҳисоблашувлар ҳисобини амалий ҳолатини ўрганиш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятида экспорт ва импорт ҳисоблашув муомалалари тахлилини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти этиб УП“Нефтегазмахсускурилиш” ОАО “Ташнефтегазкурилиш” белгиланган. Хўжалик юритувчи субъектларида ташқи иқтисодий фаолиятида экспорт, импорт операциялари бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этиш жараёнида шаклланган муносабатлар тадқиқотнинг **предмети** ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашиш, гуруҳлаш, таққослаш, танлаб кузатиш, статистика, график, жадвал, диаграмма ва иқтисодий таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида хўжалик юритувчи субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятда ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этиш илмий жihatдан асосланди;
- Хўжалик юритувчи субъектлар ташқи иқтисодий фаолиятда экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишда қўлланиладиган ҳисоблашув шакллари ўрни ва аҳамияти очиқ берилди ;
- хўжалик юритувчи субъектларида ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

Илмий янгилиги. Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида хўжалик юритувчи субъектларида ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этиш илмий асосланди;

- хўжалик юритувчи субъектларида ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишни меъёрий ҳуқуқий асослари тизими шакллантирилди;

- хўжалик юритувчи субъектларида экспорт операциялари бўйича ҳисоблашувлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- хўжалик юритувчи субъектларида импорт операциялари бўйича ҳисоблашувлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- хўжалик юритувчи субъектларида ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашувлар жараёнида таҳлил амалларини қўллашни ўрни ва аҳамияти очиқ берилди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқотнинг назарий асосини хориж ва мамлакатимиздаги иқтисодчи олимлар ҳамда етакчи мутахассисларни хўжалик юритувчи субъектларида ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил қилишга оид илмий асарлари, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолият тизими бўйича қабул қилинаётган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, Республикамиз Президенти И.Каримовнинг мавзуга оид асарларида илгари сурилган илмий ғоялар ва фикрлари илмий изланишни назарий ва услубий асоси сифатида қўлланилди.

Диссертация предмети тадқиқ қилишда, УП“Нефтегазмахсускурилиш” ОАО “Ташнефтегазкурилиш” корхонасининг йиллик ҳисоботлари, оммавий ахборот воситаларида нашр қилинган статистик материаллар, интернет сайтлари, меъёрий –ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасидан олинган илмий, амалий хулосалар, таклиф, мулохазалар хўжалик юритувчи субъектларда ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари экспорт ва импорт ҳисобини ташкил этиш услубиётини такомиллаштириш имконини беради.

1. **Тадқиқот ишини синаш ва қўллаш.** Диссертация иши юзасидан 2013 йил 12мартда Тошкент молия институтидаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг концептуал асослари ва ижтимоий-иқтисодий шарт шароитлари” мавзусидаги Республика олий ўқув юртлараро илмий-амалий анжуманида “Ташқи иқтисодий фаолиятда ташқи савдо айланмасининг ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этиш” номли мақолам чоп этилди ;

2. Диссертация иши юзасидан 2013 йил 12мартда Тошкент молия институтидаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг концептуал асослари ва ижтимоий-иқтисодий шарт шароитлари” мавзусидаги Республика олий ўқув юртлараро илмий-амалий анжуманида “Хўжалик субъектларида консигнация муомалалари бўйича ҳисоблар” номли мақолам чоп этилди ;

Тадқиқот ишининг таркибий тузилиши ва ҳажми. Илмий иш кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан, иловалардан иборат бўлади.

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, тадқиқот мақсад ва вазифалари, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот предмети ва объекти, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини мужассамлаштирган.

Биринчи бобда Хўжалик юритувчи субъектларда ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишнинг, мақсади, аҳамияти, вазифалари ва меъёрий-ҳуқуқий асослари ёритилди.

Иккинчи бобда иқтисодиётни барқарорлаштириш жараёнида хўжалик субъектларида ташқи иқтисодий фаолиятида экспорт, импорт операциялари бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини юритиш амалиёти, хўжалик субъектларида ташқи иқтисодий фаолиятда консигнация муомалалари бўйича ҳисоблашувлар ҳисоби баён қилинган.

Учинчи бобда хўжалик юритувчи субъектларда ташқи иқтисодий фаолиятда ҳисоблашувлар муомалалари ҳисобини юритишнинг амалий жиҳатлари ва хориж тажрибаларини ўрганиш асосида такомиллаштириш йўллари ёритилди.

Диссертация ишининг **хулоса** қисмида тадқиқот ишининг бажариш жараёнида шакллантирилган хулоса ва таклифлар умумий ҳолда ифода этилган.

**1- боб. Хўжалик субъектларида ташқи иқтисодий фаолият бўйича
ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишнинг назарий
асослари**

**1.1. Хўжалик субъектларида ташқи иқтисодий фаолият бўйича
ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишнинг
мақсади, вазифалари, хусусиятлари**

Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, уларга имтиёзли солиқ ва кредит тартибини жорий этиш каби вазифалар белгиланиши, унинг муваффақиятли тарзда амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар экспортининг ҳажми 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 9 фоизга³ ўсишига эришилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт ва импорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт ва импорт салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида қабул қилинган чоралар муҳим ҳисобланади.

Мамлакатнинг экспорт салоҳияти бу муайян мамлакатнинг ўзида мавжуд бўлган ёки ишлаб чиқарилаётган ресурслари, маҳсулотларини экспортга чиқариш имконияти, қобилияти ҳисобланиб, ташқи савдо айланмасида мамлакат, мамлакатлар гуруҳи ташқи савдо фаолияти ҳажми пул кўринишидаги ифодаси бўлиб, муайян вақт оралиғидаги (масалан, йил давомидаги) экспорт ва импорт ҳажмининг йиғиндисига тенг бўлади. Ташқи савдо айланмаси сальдосида эса мамлакат экспорти ва импорти ҳажмлари ўртасидаги фарқ, тафовут акс эттирилиб, мамлакат тўлов балансида мамлакат халқаро операцияларининг баланс ҳисобварағидир, яъни мамлакат ҳудудига товарлар, хизматлар, капиталлар олиб кириш ва ундан олиб чиқиш кўрсаткичлари нисбати шаклидаги халқаро хўжалик тармоқлари комплексининг қийматини ифодалайди.

Экспорт қиладиган корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш учун энергия манбалари ва коммунал

³ Президент И.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган ЎзР ВМдаги маърузаси. Ўзбекистон овози газетаси.

хизматлар нархларининг асоссиз ошишига йўл қўймаслик, корхоналарда технологик жараёнларни оптималлаштириш ҳисобидан маҳсулот таннархини пасайтириш, экспорт нархларини шакллантиришга доир янги механизмларни жорий этиш, банк кафолатлари муддатларини узайтириш, қўшимча қиймат солиғини қайтариш муддатини қисқартириш ва бошқа шу каби чоралар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги мамлакатимизни 2012-йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган маърузасига кўра, экспорт ҳажми 2012-йилда 10665,0 млн.АҚШ долларини ташкил этиб, 11,6 %га ўсган.Импорт ҳажми эса 8709.1 млн.АҚШ долларини ташкил этди ҳамда 2011-йилга нисбатан 9% га ўсиш кўрсатди. (жадвал -1.1.1).

1.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ташқи товарайланмаси ўсиши динамикаси 2005-2012 йиллар (млн. АҚШ доллари)*

Кўрсаткичлар номи	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011й.	2012й.
Ташқи товарайланмаси	9500.1	11171.4	15719.6	19077.0	21209.6	21844.2	25537,1	19374,1
Экспорт	5408.8	6389.8	8991.5	11572.9	11771.3	13044.5	15027,2	10665,0
Импорт	4091.3	4781.6	6728.1	7504.1	9438.3	8799.7	10509,9	8709,1
Сальдо	1317.5	1608.2	2263.4	4068.8	2333.0	4244.8	4517,3	1955,9

*www.stat.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

Албатта, юқорида кўрсатилган ташқи иқтисодий кўрсаткичларга осонликча эришилмаган, ташқи иқтисодий ислохотларнинг тўғри олиб борилиши ва экспорт диверсификациясига алоҳида эътибор берилаётгани натижасида Ўзбекистон бирёқлама иқтисодиётли мамлакатдан, экспорт диверсификацияси кенг бўлган давлатлар қаторига (кўпгина тармоқлар орқали,яъни ўз-ўзини таъминлаш)

кўшилмоқда.⁴ 2010-йил натижаларини 1990-йил билан солиштирганда экспорт ҳажми шу давр мобайнида 29,5 баробар, импорт эса – 24,2 баробар ошди. Натижада, ташқи савдо салдоси 50 баробардан ошиб, Ўзбекистон олтин-валюта захираларининг ўсишига олиб келди.⁵

Мустақиллик йилларидан башлаб ҳозирги кунгача Республикамиз ташқи савдо таркибида кўп ижобий ўзгаришлар содир бўлди. И.А.Каримовнинг 2012-йилнинг ижтимоий-иқтисодий яқунларига бағишланган маърузасига кўра, Ўзбекистон экспортининг 70% ни хомашё бўлмаган тайёр маҳсулотлар ташкил этди. Бор-йўғи 22 йил олдин эса пахта толасининг ўзи жами экспорт ҳажмининг 59,7% ташкил этарди. 2012-йилга келиб эса, давлатимиз экспортида пахта толасининг улуши 7,9%га тенглашди. Албатта, бу кўрсаткич давлатимизда тайёр маҳсулот экспортига ўтиш сиёсатининг ёрқин ижобий натижасидир.

Ўзбекистонда сўнги йилларда экспортнинг тез суръатларда ўсишига асосий омил бу экспорт ҳажмида энергия ва нефт маҳсулотлари улушининг ортишидир. Бу кўрсаткич 1990-йилда 17,1% ни ташкил этган бўлса, 2012-йилда 35%га етди. Бу ерда Ўзбекистоннинг Хитой билан иқтисодий муносабатларини кенгайтиргани ва Хитойга газ экспортини бошлагани шу соҳадаги муҳим ўсиш омили бўлиб хизмат қилади. Ўтган йилнинг август ойидан бошлаб йил охиригача Ўзбекистон Хитойга 5 миллиард кубометр газ етказган. Шу туфайли, 2012-йилда ушбу соҳадан даромад жуда юқори бўлди ва 67,3% га ўсди. Бундан ташқари, 2012-йилга келиб, хизмат кўрсатиш соҳаси энергия ва нефть маҳсулотлари экспортидан кейинги иккинчи катта соҳага айланди ва ўтган йилда экспорт ҳажмининг 16%ни ташкил этди.⁶

2011-йил товар айланмаси ўсиш суръатлари эса экспорт-15,4% ва импорт 14,5%ни ташкил этган эди. Бу кўрсаткичлар 2012-йилнинг шу кўрсаткичларидан

⁴ А.Джаванов. “Ташқи иқтисодий фаолиятда ташқи савдо айланмасининг ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этиш” 2013 йил 12мартда ТМИ.

⁵ Статистик тўплам “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010- йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015- йилларга мўлжалланган прогнозлари. Тошкент “Ўзбекистон”-2011й”

⁶ Ўзбекистон Республикаси президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

пастлиги кўриниб турибди. 2012-йилда ташқи савдо айланмаси ҳажми сезиларли даражада пасайган. Бундан ташқари, 2012-йилда ташқи савдо салдоси ҳам 2011-йилдаги ўсиш суръатига нисбатан анча пасайди. 2011-йилда савдо салдоси 4517,3 млн долларни ташкил этган эди.⁷

2012-йилда эса салдо 2,3 баробар қисқариб, 1955,9 млн долларга тушди. Бу ҳолатнинг асосий сабаблари қуйидагилардир⁸:

- Европа давлатларида кузатилаётган жаҳон молиявий инқирозининг 2-тўлқини туфайли бутун дунёда импорт товарларига талабнинг пасайиши кузатилди. Европа давлатлари Республикамиз савдо айланмасининг ярмини ташкил этади. Бу эса, Ўзбекистон экспортига, шу жумладан, давлатдаги умумий иқтисодий аҳволга таъсир этмасдан қолмади. Бу ҳолат фақатгина Ўзбекистон иқтисодига таъсир этиб қолмасдан, балки ривожланган мамлакатлардан бири-Хитойнинг ҳам ташқи савдоси 2012-йилда фақатгина 6,2% га ўсиши ва бу йил бошида белгиланган режадаги 10%дан анча паст бўлиши оқибатига олиб келди.⁹ Бунинг асосий сабаби, Хитойнинг асосий савдо ҳамкорлари, яъни Европа давлатлари билан Хитойнинг ташқи савдоси камайишидир. Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида фақат МДҲ давлатлари билан оширган савдода 9%лик ўсиш кўринади. Аммо қолган давлатлар билан савдосида ўтган йил ҳажмига нисбатан 3,7% пасайганини кўрсатади.¹⁰
- Иккинчидан, юртимизда ҳажми бўйича энг кўп экспорт қилинадиган товар-пахта толасининг нархи 2012-йилда барқарор бўлмади, яъни АҚШда пахта ҳосили яхши бўлгани туфайли йилнинг кўп қисмида пахтанинг нархи охириги йиллардагига қараганда анча паст бўлди. Умуман охириги йиллардаги пахта толаси нархи тенденцияларини

⁷ Ўзбекистон Республикаси статистик таҳлилномаси, 2011-йил.

⁸ Ўзбекистон Республикаси статистик таҳлилномаси, 2012-йил.

⁹ <http://www.chinapro.ru/> China PRO-Деловой журнал про Китай: новости Китая, экономика Китая, бизнес с Китаем.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси статистик таҳлилномаси, 2012-йил.

кузутадиган бўлсак, 2011-йилда кўпчилик пахта толаси етиштирувчи давлатларда курғоқчилик бўлгани сабаб, пахта нархи рекорд даражада юқори бўлган эди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонга ҳам пахта экспорти билан шуғулланадиган давлат сифатида ижобий натижаларини кўрсатган эди. 2012-йилда эса АҚШ ва Хитойда ҳосил анча мўл-кўл бўлди ва пахта фьючерсининг 2011-йилдаги нархига нисбатан 64%га тушиб кетишига олиб келди.¹¹

- Ўзбекистон экспортига нафақат Европа давлатларидаги салбий ҳолат, балки бошқа савдо бўйича ҳамкор давлатлардаги иқтисодий аҳвол ҳам таъсир этди. Масалан, Россия билан ташқи савдо айланмаси бор-йўғи 0,9%га ўсган.

Шундай қилиб, 1990-йилдан 2012-йилгача бўлган муддатда Ўзбекистон экспорти иккита инқирозларни (2009- ва 2012-йиллар) ҳисобга олмаганда барқарор ва тез суръатларда ўсмоқда. Шундай салбий иқтисодий ҳолатда ҳам Ўзбекистон экспорти салбий томонга ўсмагани, яъни факатгина ўсиш суръатлари секинлашгани Ўзбекистон экспорт сиёсати ва экспорт товарлари диверсификацияси тўғри олиб борилаётганидан далолат беради.

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хом ашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Ташқи савдо айланмаси диверсификацияси – экспорт ва импортнинг товар номенклатурасини ва ҳамкор давлатлар сонининг кенгайтирилиши.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиши

¹¹ Россия аналитик журнали “СПЕКУЛЯНТ”: http://www.spekulant.ru/archive/100_COTTON.html

мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий аҳволининг тангликка юз тутишига олиб келиши мумкин.¹² Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади.

Бу борада Президент И.А.Каримов: “Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак”¹³-деб таъкидлади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда¹⁴


¹² Ҳайдаров Ш., Тухсанов Х., Ортиқов Х. Хорижий валютадаги активлар ва мажбуриятлар ҳисобининг бугунги ҳолати таҳлили. //Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби, 2008. №6(24).

¹³ И.Каримов “Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010 й. 37 б.

¹⁴ Бархатов А.П. Бухгалтерский учет внешнеэкономической деятельности. Москва 2007 г. 163 ст.

(1.1.1-Диаграмма).

**Ўзбекистон Республикасида ташқи товарайланмаси ўсиши динамикаси
2005-2012 йиллар (млн. АҚШ
долл)**



Манба: www.minjust.uz/uz/press/news/2012/11/2512

Маълумотлардан кўринадики, ўтган 2012-йилни оладиган бўлсак, мамлакатнинг январь-декабрь ойидаги ташқи савдо айланмаси 19374,1 млн АҚШ долларини, жумладан, 10665,0 АҚШ долларини-экспорт операциялари; 8709,1 АҚШ долларини-импорт операциялари ташкил этади.¹⁵

2000-2012 йиллар давомида экспорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди

(1.1.2-жадвал).

Хусусан, бошқа товарлар позициялари бўйича экспорт ҳажмининг жадал ўсиши пахта толасининг жами экспортдаги улушини 2000 йилдаги 27,5 фоиздан, 2012 йил якунларига кўра эса 9,6 фоизгача пасайишига олиб келди.¹⁶

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2002-2012 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2002-2012 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

Ўзбекистон экспортининг таркиби*

Кўрсаткичлар	2000 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Экспорт жами (млн. АҚШ долл.)	3267,6	11572,9	11771,3	13044,5	15027,2	10665,0
Экспорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Пахта толаси	27,5	9,3	8,6	11,3	9,0	9,6
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	2,9	5,6	5,0	5,1	5,6	5,8
Қора ва рангли металллар	6,6	7,0	5,0	6,8	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	3,4	7,6	2,9	5,5	6,7	7,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	4,5	6,0	9,7	13,2	6,7
Энергия ресурслари	10,3	24,7	34,2	24,8	18,5	37,4
Хизматлар	13,7	10,4	8,8	9,1	11,8	17,6
Бошқалар	30,2	30,9	29,5	27,7	27,8	7,9

*www.stat.uz интернет сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

2000-2010 йилларда республикаимиз импорти таркибида ижобий силжишлар рўй берди. Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроолантириш тадбирларининг кенг миёсда амалга оширилишини таъминлаш жами импорт ҳажмида машина ва ускуналар импорти улушининг жадал ўсишига олиб келди.(1.1.3-жадвал)

Республикаимиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади

Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини

ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

1.1.3-жадвал

Ўзбекистон импорти таркиби*

Кўрсаткичлар	2000 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Импорт жами (млн. АҚШ долл.)	2944,5	9704,0	9438,3	8799,7
Импорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	13,6	11,6	11,1	14,3
Қора ва рангли металлар	8,6	7,7	6,3	8,4
Машина ва ускуналар	35,4	52,4	56,5	44,1
Озиқ-овқат маҳсулотлари	12,3	8,3	9,0	10,9
Энергия ресурслари	3,8	4,6	5,3	6,0
Хизматлар	8,5	4,4	4,4	4,7
Бошқалар	17,8	11,0	9,2	11,6

*www.stat.uz интернет сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2013-2014 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.¹⁷

Юқоридаги келтириб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики хўжалик юритувчи субъектларда экспорт фаолияти йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу жараёнда ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалаларини юзага

¹⁷ <http://www.Gov.uz>

келиши уларни ўрни ва аҳамияти ошиб бориши пролвардида бухгалтерия ҳисоби олдига қатор масалалар қўйилади..

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг босқичма-босқич ўтиш шароитида экспорт-импорт операцияларни, яъни ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш жаҳон бозорининг актив иштирокчиси ҳамда субъектнинг бош мақсадидир. Бу бевосита корхона, фирма маҳсулотларининг жаҳон бозорига чиқиши ва уни банд этиши, ўз харидорини топишида корхона истиқболини белгилаши, фаолияти натижавийлигини ўстиришнинг муҳим омили сифатида қаралади.

Экспорт товарларни асосан контрактга мувофиқ хориж фирмаларидан оладилар. Ушбу контрактда ҳамма шартлар - томонларнинг мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва иқтисодий жазолар кўрсатилади.¹⁸

Хориж фирмалари билан ҳисоблашишни амалга ошираётганда ҳисоблашиш турлари ва мол етказиб бериш шартларига амал қилинади. Хориждаги фирмалар билан ҳисоблашишнинг қуйидаги шакллари амалга оширилади:

- аккредитив усули билан ҳисоблашишлар;
- тижорат кредити билан ҳисоблашишлар;
- ўтказиш васиқа (вексел)лари (тратта) ёрдамида ҳисоблашишлар;
- очик счётлар билан ҳисоблашишлар.

Аккредитив билан ҳисоблашиш тартиби "Хужжатлар аккредитив билан ҳисоблашишнинг умумий қоидаси ва тартиби" (Жаҳон савдо палатаси №400) билан ўрнатилган.

Ушбу ҳисоблашиш тартибида тўловчининг илтимоси ва кўрсатмасига асосан (банк-эмитент) қуйидаги муомалаларни амалга оширади:

1. олинган ёки олинадиган товарларнинг қийматини учинчи шахсга пулда ёки ўтказиладиган васиқа (вексел)да тўлаши:

¹⁸ Очилев И. Азларов Д. Авлоқулов А. Молиявий ҳисоб. Т.: ТМИ, 2004, 224-б.

2. бошқа банкка ушбу муомалаларни амалга ошириш ҳуқуқини бериши мумкин.

Ушбу шакллардаги ҳисоблашишлар қуйидаги тартибда содир бўлади:

Чизма 1.1.1

Ташқи иқтисодий фаолиятда қўлланиладиган ҳисоблашув шакллари



Манба: Селезнева И.Н., Ионова А.Ф. Финансовый анализ: Учебное пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. - 479 с.

Истеъмолчи (импортчи) сотувчи (экспортчи) товарларнинг тайёрлиги тўғрисидаги хабарни олгандан кейин ўзининг банкига экспортчининг банкида контрактда кўрсатилган суммада аккредитив очиш учун ариза беради. Ушбу аризада суммани тўлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар кўрсатилади ва истеъмолчининг банки сотувчига хизмат қиладиган банкда тегишли сумма бўйича белгиланган муддатда аккредитив очади. Сотувчи (экспортчи) товарларни жўнатгандан кейин ўзининг банкига контрактда кўрсатилган ҳужжатларни топшириб тегишли суммани аккредитивдан олади ва ушбу муомалани сотувчининг банки истеъмолчининг банкига тегишли ҳужжатлар билан етказди.

Тижорат кредити билан ҳисоблашиш тартибида сотувчи (экспортчи) истеъмолчига (импортчига) товарлар қийматининг бир қисмини ёки умумий суммасини кейин тўлаш шarti билан товар жўнатади. Олинган товарнинг

киймати контрактда кўрсатилган муддатда ва кредит фоизи қўшилган ҳолда истеъмолчи томонидан товар эгасига (экспортчига) тўланади.

Васиқа (вексель) ёрдамида ҳисоблашишда қарз мажбурияти васиқа билан тасдиқланади. Васиқа оддий ва бошқа шахсларга ўтказиладиган (тратта) шаклда бўлади.

Оддий васиқа ёрдамида ҳисоблашишда васиқа берувчи уни олган шахсга васиқада кўрсатилган суммани белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятини олади.

Ўтказиладиган васиқада (тратта) шаклида ҳисоблашишда васиқа эгаси (трассант)га васиқа берувчи (трассат) унда кўрсатилган суммани белгиланган муддатда бошқа шахсга тўлаш учун буйруқ беради. Бунинг учун васиқа ўтказувчининг ёзуви, имзоси ва мухри билан мустаҳкамланади.

Инкассо шаклида экспортчи жўнатилган товарлар суммасини импортчининг банкидан тегишли хужжатларга асосан истеъмолчининг розилигини кутмай 3 кундан кейин олади.

Бунинг учун, аввало, импортчининг розилигини (3 кун) кутиши ва кейин банкдан талаб қилиши лозим. Ҳозирги шароитда бу усул Ўзбекистон Республикасида кам қўлланилади.

Очиқ счётлар билан ҳисоблашиш тартиби доимий алоқада бўлган сотувчи (экспортчи) ва истеъмолчилар (импортчи) ўртасида қўлланилиб, ушбу жараёнда товар эгаси молни жўнатгандан кейин тегишли хужжатларни ва контрактда кўрсатилган суммани белгиланган муддатда тўлаш тўғрисидаги илтимос хатини истеъмолчига жўнатади.¹⁹

Хўжалик субъектларида ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишнинг мақсади бу фойдаланувчиларни корхона ташқи иқтисодий фаолиятида юзага келадиган ҳисоблашувлар бўйича асосланган бухгалтерия ахборотлари билан таъминлашдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун бухгалтерия ҳисоби олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

¹⁹ Эзолова-Сорокина О.С. Принципы учетной политики при учете импортных операций. // Бухгалтерский учет, 2008. №16, 78 с.

- экспорт-импорт операцияларида юзага келадиган ҳисоблашув муомалаларини ўз вақтида бухгалтерия хужжатларида акс эттириш;²⁰
- экспорт-импорт операциялари ва улар бўйича чет эл валютасида ифодаланган ҳисоблашувлар синтетик ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг алоҳида субсчётларида юритиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятда чет эл валютасида ифодаланган ҳисоблашувлар ҳисобини ҳисоботларда акс эттириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятда ҳисоблашувлар бўйича юзага келган чет эл валютасида ифодаланган ҳисоблашувлар ҳақида маълумотларни алоҳида акс эттириш;
- ҳисоблашув жараёнида чет эл валютасида ифодаланган ҳисоблашувлар ҳисоби бўйича курс фарқларини акс эттириш;
- экспорт-импорт операциялари ва улар бўйича чет эл валютасида ифодаланган ҳисоблашувларда мажбуриятларни бухгалтерия счётларида ўз вақтида тўғри акс эттириш;
- хўжалик субъекти ташқи иқтисодий фаолиятида ҳисоблашув муомалалари ҳисоби бўйича асосланган бухгалтерия ахборотларини шакллантириш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда миллий иқтисодиётимизни жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш ва интеграллашиш жараёнида хўжалик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятида ҳисоблашув муомалалари ҳисобини аҳамияти ошиб боради.

²⁰ Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.-Сам.: Зарафшон 2001.-272 б.

1.2. Хўжалик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти ҳисоблашув муомалалари таснифи

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашувлар турли мамлакатлар ҳудудида жойлашган давлатлар, фуқаролар ўртасида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда вужудга келадиган молия талабномалари ва мажбуриятлари бўйича тўловларни ташкил этиш ва назорат қилиш тизимидан иборат. Халқаро ҳисоблашувларда асосий воситачилар банклар бўлиб, улар ташқи иқтисодий сиёсат иштирокчилари бўлмиш ўз миқдорларининг пул воситаларини корреспондент ҳисобварақлари асосида мамлакатлараро ҳаракатини таъминлайдилар. Халқаро тўловларнинг асосий қисми нақд пулсиз шаклда амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашувлар ҳолатига комплекс равишда қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: пул ва товар бозоридаги аҳвол, товарлар, хизмат кўрсатиш ва сармояларнинг мамлакатлараро ҳаракатини давлатлараро томонидан назорат чораларининг самарадорлиги, алоҳида мамлакатлардаги инфляция суръатларининг турличалиги, тўлов балансининг аҳволи, ташқи савдо битимларининг шартлари, банк фаолиятининг халқаро қоидалари ва ўзига хос хусусиятлари, валюта қонунчилиги ва ҳ.к.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашувларнинг субъекти – бу экспортчилар ва банклардир. Улар товар-пул тақсимловчи ҳужжатлар ҳаракати ва тўловларни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган мунособатларга биноан амалга оширилади. Банк қоидалари ва анъаналари ҳам катта аҳамиятга эга.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоб-китобларнинг турли шакллари мамлакатларнинг юридик ва жисмоний шахслари томонидан кенг қўлланилади.

Товар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараёнларининг байналмилаллашуви, халқаро ҳисоб-китобларнинг мазмунида янги ўзгаришлар пайдо бўлишига олиб келди. Халқаро ҳисоб-китоблар кенг қамровли бўлиб, у экспорт-импорт операциялари, тижорат тусига эга бўлмаган тўловлар – сайёҳлик, спорт, фуқаролар томонидан хорижий давлатларга пул ўтказишлар, хорижий

давлатларга дипломатик ва савдо ваколатхоналарини очиш, ўзга давлатлар ҳудудида ҳарбий қисмларни сақлаш ҳамда капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни ўз ичига олади.

Ҳар куни жаҳон валюта бозорларида 3-3,5 трлн. АҚШ доллари миқдорида халқаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади.²¹ Шунинг 40% и АҚШ долларида амалга оширилади. Дунё бўйича жами конверсион операцияларнинг 90% и 5 та валютада амалга оширилади. Жумладан:

1. АҚШ доллари (USD) – 40%;
2. Евро (EURO) – 30%;
3. Япония иенаси (JPY) – 15%;
4. Англия фунт-стерлинги (GBP) – 8-10%;
5. Швейцария франки (CHF) – 1-2%.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари 2 гуруҳга бўлинади:

- I. Ҳужжатлаштириладиган тўловларга:
 1. Ҳужжатлаштирилган аккредитив;
 2. Инкассо билан амалга ошириладиган ҳамма тўловлар киради.
- II. Ҳужжатлаштирилмайдиган тўловларга:
 1. Тўлов топшириқномаси;
 2. Чеклар;
 3. СВИФТ (SWIFT) киради.

Ҳужжатлаштирилмайдиган тўловларни туркумлашда мезон шартларини тўлов шартлари ўтайди. Агар ҳар қандай ҳисоб-китоб қуйидаги 3 тўлов асосида амалга оширилса, бу ҳужжатлаштирилмайдиган ҳисоб-китоб бўлиб ҳисобланади:

1. Олдиндан тўлаш;
2. Товарни олгандан сўнг тўлаш;
3. Очик ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоблар.

²¹ <http://www.fxclub.org/>

Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий шакли сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Тўлов топшириқномалари;
2. Чеклар;
3. Ҳужжатлаштириладиган аккредитив;
4. Инкассо.

Тўлов усулларини батафсилроқ кўриб чиқамиз:

Очиқ счёта тўлов (clean payment) – сотувчи товарни тўлов кафолатларисиз етказиб берса, харидор тўлов кунда пулни ўтказди. Сотувчи харидор томонидан ҳеч қандай кафолат олмайди. Шунинг учун бундай тўлов шартлари бир мамлакат ҳудудида ва бир-бирини яхши билган фирмалар ўртасида амалга оширилиши мумкин.

Ҳужжатлар топширилгандаги тўлов (cash against document) – инкассо. Товарни етказгандан кейин экспортчи ўз банкига ҳужжатларни топширади. Банк, ўз навбатида, уларни импортчи банкига юборади. Импортчи банки бу ҳужжатларни, тўловни амалга ошириб, импортчига топширади ва экспортчи банкига унинг счётига тўлов суммаси ўтказганлиги ҳақида хабар беради. Шундан кейин экспортчи банки экспортчи билан ҳисоблашади.

Инкассо операциялари анча содда бўлиб, товар учун тўловни кафолатлайди, чунки товар харидорга тўлов амалга оширилгандан кейингина ўтади, лекин бу усул айрим камчиликларга ҳам эга. Унинг энг асосийси товар етказиш, ҳужжатларни банкка топшириш ва тўловни амалга ошириш ўртасида анчагина вақтнинг ўтишидир. Натижада экспортчи бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгариб қолиши, харидорнинг керак вақтда тўловга қодир бўлмай қолишлиги каби хавфларга дуч келиши мумкин.

Аккредитивнинг товар учун тўлаш мажбуриятлари аккредитив очилган банкка топширилишини билдиради. Бу экспортчи учун кўпроқ афзалликка эга бўлган тўлов усули, чунки у тўловнинг ишончлилигини таъминлайди ва экспортчини сиёсий ва валюта хавфларидан сақлайди. Аксинча, импортчи учун бу

усул фойдали эмас, чунки маблағлар аккредитивда тўпланиб, муомала жараёнини секинлаштиради. Аккредитив очиш бўйича харажатлар импортчи ҳисобига копланadi. Банкнинг мукофот пули бу ҳолда инкассодан юқори бўлади.

Аккредитивнинг турлари:

- очик аккредитив. Бунда харидор ёки унинг банки томонидан аккредитив бекор қилиниши мумкин. Бундай усул сотувчига ҳеч қандай фойда ва кафолат бермайди;
- чақириксиз аккредитив. Бунда аккредитив экспортчининг розилигисиз муддатдан олдин бекор қилиниши мумкин эмас ва шунинг учун бу усул энг кенг тарқалган;
- чақириксиз, тасдиқланган аккредитив. Бунда харидор ўз банкига сотувчининг банки орқали аккредитивни тасдиқлашга рухсат беради, яъни сотувчининг банки тўлов шартларини бажаришга кафолат беради;
- чақириксиз, тасдиқланмаган аккредитив. Бунда сотувчининг банки аккредитив очилиши ҳақида ахборот беради, лекин ўзи тасдиқламайди, яъни тўловни кафолатламайди. Бу ҳолда мажбуриятларни бажариш масъулиятини харидорнинг банки ўз зиммасига олади.

Аккредитив очиш муддати товар турига, уни саклаш шароитига боғлиқ. Ҳар қандай экспортчи унинг илгарироқ, очилишига ва узоқроқ муддат ҳаракат қилишига интилиши керак.

Аккредитив товарнинг фактура қийматига кредит фоизи қўшилишидан ҳосил бўлган сумма миқдорида очилади. Бунда товар ҳажми кўпроқ бўлганда ҳам, товар учун берилган счетлар аккредитив суммасидан юқори бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда улар туланмай қолади.

Банк ўтказмалари ва чеклар кредит бўйича қарз тўпланаётганда, бўнак берилишида, рекламациялар ҳал қилинаётганда ишлатилади.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалаларини амалга ошириш бўйича биринчи ўринни тижорат банклари эгаллайди. Сабаби шундаки, халқаро операцияларнинг асосий қисми — ташқи савдо операциялари ва

капиталлар ҳамда кредитларнинг ҳаракати бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларга тўғри келади. Ушбу ҳисоб-китобларда иштирок этувчи тижорат тузилмаларига кредит-ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас. Демак, тижорат банклари орқали тижорат тусидаги операцияларнинг асосий қисми амалга оширилади.

Ҳозирги кунда халқаро ҳисоб-китобларда энг кенг қўлланувчи бешта давлатнинг миллий валютасини кўрсатиш мумкин (1.2.1-жадвал).

1.2.1– жадвал

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалаларида қўлланувчи асосий валюталар 2013йил I чорак

№	Валюталарнинг турлари	Ташқи савдо бўйича ҳисоб-китобларда салмоғи, % да	Валюталарнинг халқаро миқёсда тан олинган белгиланиши	Валюталарга нисбатан қўлланувчи коэффицентлар
1	АҚШ доллари	40	USD	1
2	Евро	30	EURO	100
3	Япония иенаси	15	JPY	100
4	Буюк Британия фунт-стерлинги	8-11	GBP	1

Манба: <http://www.fxclub.org/>

Ташқи савдо шартномасининг қуйидаги тўрт молия – тўлов шартини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Баҳо валютаси;
2. Тўлов валютаси;
3. Тўлов шarti;
4. Ҳисоб-китоб шакли.

Баҳо валютаси – бу товарнинг баҳоси ўлчанадиган валюта. Ушбу валютани танлашда товарнинг тури, ҳукуматлараро шартномаларнинг шартлари ва валютанинг барқарорлиги ҳисобга олинади. Шартномада кўрсатилган баҳо

таркибига товарларни ишлаб чиқариш, уни юклаш, импорт қилувчи мамлакат портига тушириш, омборхоналарга жойлаштириш, импорт қилувчига уни етказиб бериш харажатлари киради. Товарлар баҳосини шартномада белгилашнинг 5 асосий усули мавжуд:

1. Қатъий белгиланган баҳоларни ўрнатиш. Ушбу баҳо шартнома имзолаётган вақтда ўрнатилади ва шартнома ижро этилиши мобайнида ўзгармасдан қолади.

2. Товарлар баҳосини шартнома имзолаётган пайтда юзага келган бозор баҳосида ҳисобга олиш. Агар хом-ашё экспорт қилинаётган бўлса, уларнинг бирон-бир товар биржасида хорижий баҳоси асосида шартнома ижро этилади.

3. Баҳо қатъий белгилаб қўйилиши. Аммо шартнома имзоланаётган пайтда товарларнинг баҳоси кескин ўзгарса, белгиланган баҳо ўзгартирилади.

4. Товарлар баҳоси қатъий белгилаб қўйилади, аммо харажатлар таркибида ўзгариш бўлган тақдирда белгиланган баҳо ўзгартирилади. Бу усул кўпчилик ҳолларда, асбоб – ускуналарни сотишда қўлланилади.

5. Аралаш шакл. Товарларнинг маълум қисми қатъий белгиланган баҳоларда, маълум қисми ўзгартириладиган баҳоларда сотилади.

Тўлов валютаси – бу ҳақиқатда импорт қилувчининг мажбурияти тўланадиган валюта. Агар тўлов валютаси нобарқарор валюта бўлса, унда шартномада товарларнинг баҳоси барқарор валютада ўлчанади.

Тўлов шартлари – бу тўлов нақд валюталарда ёки нақдсиз шаклда, очик ҳисоб-рақамлари орқали кредит шаклида ёки векселлар орқали амалга оширилиши мумкинлигини келишиб оладилар.

Қуйида ташқи савдо шартномасининг тахминий тузилишини кўриб чиқамиз. Ташқи савдода қўлланиладиган амалиёт ва одатларни бажариш тавсиялар қуйидагилардан иборат:

Мукаддима матндан олдин келади ва “шартнома” сўзидан бошланиб, ундан кейин шартнома раками берилади.

Кейин томонларнинг номи аниқ курсатилади. Шунингдек, контрагентлар сифатида томонларнинг таърифи берилади. Масалан “сотувчи” ва “харидор” еки “буюртмачи” ва “етказиб берувчи”.

Шартномада миқдаорни ўлчаш бирлиги уни аниқлаш тартиби, меъёри ва ўлчов тизими аниқ белгиланади.

Товарнинг миқдори ва унга мос булган ўлчовларда дона, кг, ва ҳк. кўрсатилади.

Шартномада меъёр ўлчовларининг тизимини белгилаб олиш зарур. Чунки турли мамлакатларда турлича ўлчов бирликлари қўлланилади. Бир хил номдаги ўлчов бирликлари (масалан туп, бутил, қоп, бочка) турли мамлакатда турли миқдорга эга.

Товарларнинг сифатини шартномада аниқлаб олиш товарнинг характеристикасини белгилаш, яъни унинг харидор талабига мувофиқ яроқлилигини белгилашдир. Сифатни аниқлаш усули товарнинг хусусиятларидан халқаро савдода ушбу товарга нисбатан шаклланган амалиётдан келиб чиқиб белгиланади.

А) Стандарт буйича:

Бу усул товарнинг сифати маълум стандартга тўла мос келишини назарда тутди. Стандартлар турли ҳукумат ташкилолари (миллий стандартлар, масалан ГОСТ, DIN тадбиркорлар уюшмалари, илмий-техник ассоциациялари томонидан ишлаб чиқилади. Стандартларни қўллаш шартномалар ўрнатилишини енгиллаштиради. Унда стандартнинг номери ва санаси, уни тўлаб чиққан ташкилот номини кўрсатиш етарли.

Б) Техник шартлар бўйича:

Агар маълум товарга стандарт бўлмаса ва унинг сифатини белгилаш учун техник шароит қўлланилса, ушбу шартлар ишлатилади. Техник шартлар шартноманинг матнида ёки унинг иловасида берилади.

В) Ўзига хос хусусиятига кура:

Ўзига хос хусусиятлари шартномага илова тарзида берилади ва товарни тавсифловчи зарур техник ўлчамларни ўз ичига олади. Ўзига хос хусусиятлар

асосан экспортчилар томонидан тузилади. Бундай ҳолларда шартномада ўзига хос хусусиятларини тузган ташкилотни ва бу хусусиятларни санаб ўтиш керак.

Г) Намуна бўйича.

Товар сифатини намуна бўйича аниқлаш асосан истеъмол молларига жорий этилади. Сотувчи олувчига маҳсулотнинг бир неча намунасини беради, харидор уларнинг хусусиятларини синаб кўради. Шартномада товарларнинг сифати намунага мос келиши зарурлиги ёзиб қўйилади. Одатда учта намуна олинади. Бирирчиси харидорда, иккинчиси сотувчида ва учинчиси бирор-бир нейтрал ташкилотда сақланади.

Д) Тасвирлаш бўйича:

Бу усул индивидуал товарлар масалан, меваларга нисбатан қўлланилади. Унда товарнинг барча хоссалари батавсил баён қилинади.

Е) Дастлабки кўздан кечириш бўйича:

Бунда товарлар одатда аукционда ёки омборхонада сотилади. Шартномада бу усул “куздан кечирилди-тасдикланди” деган сўзлар билан белгиланади.

Ж) Товардаги алоҳида моддалар бўйича:

Бу усул товарда фойдали моддаларнинг максимал даражаси ва йўл қўйилмайдиган аралашмаларнинг минимал даражасининг фоизда кўрсатилишини назарда тутди.

Етказиб бериш муддати томонлар келишиб олган ва шартномада назарда тутилган, шу вақт ичида сотувчи харидорга битим предметини етказиб бериши зарур бўлган муддат. Бунда битим предмети бир вақтда, шунингдек, бўлиб-бўлиб бирор муддат ичида етказиб берилиши мумкин. Бир вақтда етказиб беришда томонлар етказиб беришнинг бир муддатини, маълум вақт давомида етказиб беришда эса ҳар бир партия учун етказиб бериш муддатини кўрсатишади.

Шартномада етказиб бериш муддатлари қуйидаги усуллар билан кўрсатилиши мумкин:

- етказиб беришнинг қайд этилган санасини белгилаш билан;
- бирор давр ичида (ой, чорак, йил) етказиб бериш муддатини белгилаш билан;

■ махсус терминларни (“зудлик билан”, “омбордан” ва ҳ.к.) қўллаш билан.

Ташқи савдо амалиётида етказиб бериш муддатларини белгилаш учун (ой, чорак) календар даври энг кўп қўлланилади. Етказиб бериш муддати сифатида аниқ календар санаси анча кам қайд этилади.

Зудлик билан етказиб бериш деганда, халқаро амалиётда битим тузилиши билан бошланадиган маълум муддат тушунилади. Бу муддат савдо одатлари билан белигиладиган ва 1 дан 14 иш кунигача муҳлатни ўз ичига олади. Бундай муддатларда товарлар етказиб бериш бўйича биржаларда, аукционларда, сотувчининг омборидан сотишлардаги битимлар амалга оширилади.²²

Сотувчининг товарни муддатидан олдин етказиб бериши мумкинлиги шартномада махсус айтиб ўтилиши керак. Агар бу қайд этилмаган бўлса, одатга кўра фақат харидорнинг розилигига биноан муддатидан олдин етказиб бериш мумкин.

Кўп ҳолларда олди-сотди шартномасига етказиб бериш санаси ҳақидаги изох киритилади. Бу битимнинг томонларига келгусида етказиб беришнинг аниқ муддатларига риоя қилиш ҳақидаги низоларга йўл қўймаслик имконини беради. Етказиб бериш санаси товарни ташиш усулларида келиб чиқиб, белигиладиган ва қўйидагилар бўлиши мумкин:

- товарни ташишга қабул қилиб олинганлигидан далолат берувчи транспорт ҳужжатининг санаси;
- омборхона гувоҳномасининг санаси;
- сотувчи ва харидор вакилларининг қабул қилиш-топшириш актига имзо чеккан санаси.

Ташқи савдо битимини тузишда шериклар товарни сотувчидан харидорга етказиб бериш билан боғлиқ (транспортда ташиш, йўлда суғурта қилиш, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ва ҳ.к.) кўплаб мажбуриятларни ўзаро аниқ тақсимлаб олишлари зарур. Бу мажбуриятлардан ҳар бири турли харажатларни

²² Жуков В.Н. Учет продажи продукции и товаров по внешнеторговому договору. // Бухгалтерский учет, 2008. №16, 10 с.

назарда тутади, шунингдек, товарни транспортда ташишда унинг бузилиши ёки йўқолиши билан боғлиқ таваккал ҳам мавжуд.

Шартнома томонларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бир хиллаштириш учун шартноманинг базис шартлари ишлаб чиқилган. Улар сотувчи ва харидорнинг товарни етказиб бериш бўйича мажбуриятларини белгилаб беради, товар тасодифан йўқолиши ёки бузилиши таваккалининг сотувчидан харидорга ўтиш пайтини ўрнатади.

Бу шартлар шунинг учун ҳам базис шартлари деб аталадики, улар етказиб бериш бўйича харажатлар товарнинг нархига кириш-кирмаслигидан келиб чиқиб, нархнинг базисини (асосини) белгилаб қўяди.

Базис шартлари халқаро савдо амалиёти асосида ишлаб чиқилади. Улар товарлар етказиб бериш билан боғлиқ операцияларни соддалаштиради, халқаро савдода умумэътироф этган ва қоида тариқасида, алоҳида давлатлар, портлар, савдо тармоқларининг тижорат амалиётида шаклланган савдо одатлари билан белгиланади. Базис шартларини келишиб олиш, уларни бир хилда тушуниш контрагентлар учун ташқи савдо битимлари самарадорлигининг муҳим омил ҳисобланади.

Тижорат терминларини шарҳлашга умумий ёндашувни ишлаб чиқиш бўйича Халқаро савдо палатаси катта ишлар қилди. У 1936 йилда биринчи марта Терминларни шарҳлашнинг халқаро қоидаларини (Инкотермос) ишлаб чиқди. Кейинчалик терминларнинг сони Инкотермоснинг 1967, 1976, 1980 ва 1990 йиллардаги янги таҳририда қўпайиб борди. Инкотермосга янги терминларнинг қўшилиши транспортда ташишнинг янги турлари, масалан контейнерда, юклаш-туширишнинг горизонтал усулига эга бўлган трейлерлар ва паромларда ташиш кабиларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ хусусиятларни ҳисобга олишга интилишлардан келиб чиқди. Айтиб ўтилган базис шартлари (Инкотермоснинг 1990 йилги сўнгги таҳририда 13 та шарт-терминлар бор) ҳақиқатда ҳар қандай транспорт турида, жумладан аралаш ташишларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Инкотермоснинг шарт-терминлари шартномада уларга ҳаволалар қилинган ҳолларда қўлланилади. Улар факултатив хусусиятга эгаллиги туфайли, уларни тўлалигича ёки бирор қисmini қўллаш келишиб олаётган томонлар орасида аниқлаб олинади. Шартнома шартлари ва Инкотермос қоидалари бир бирига мос келмаган ҳолларда шартнома шартлари устувор аҳамиятга эга бўлади. Инкотермос мулк ҳуқуқининг бир томондан бошқасига ўтиши тўғрисидаги қоидаларга эга эмас. Бу қоида шартномада махсус изоҳлаб ўтиш керак. Акс ҳолда, масала ушбу шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ асосида ҳал қилинади.

Савдо битимларининг базис шартлари сотувчи ва харидорнинг асосий мажбуриятларини белгилаб беради. Масалан, сотувчи қўлланилаётган базис шартларидан қатъи назар қуйидагиларга мажбур:

- * шартнома шартларига мувофиқ товарни етказиб беришга;
- * товарнинг юклаб жўнатишга тайёрлиги ёки товарнинг юкланганлиги, товарнинг харидор ихтиёрига етказиб берилиши санаси ҳақида харидорни ўз вақтида хабардор қилишга;
- * товарни текширишга кетадиган сарфларни тўлашга;
- * товарни одатдагича ўраб-қадоқлашни ўз ҳисобидан таъминлашга.

Савдонинг ушбу тармоғида товарни ўраш-қадоқлашсиз жўнатиш қабул қилинган ҳолатлар бундан мустасно;

- * амалиётда қабул қилинган, товар келишилган шартларда етказиб берилаётганлигини тасдиқловчи “соф” ҳужжатни харидорга бериш (“соф” деганда ўраш-жойлаш маҳсулотларининг камчиликларини кўрсатувчи изоҳолари бўлмаган ҳужжат тушунилади);

- * экспорт қилаётганда олинадиган божхона пошлиналари ва солиқларни тўлаш;

- * ўз ҳисобидан экспорт лицензияси ёки экспорт учун зарур бўлган бошқа ҳукумат қоғозини олиш;

* харидорга унинг илтимосига кўра ва унинг ҳисобидан товарнинг ўтиши ва консуллик фактурасини олиб бериш (“кўрфаздан” деган шартлар бўлган ҳоллар бундан мустасно);

* харидорнинг илтимосига кўра, унинг ҳисобидан ва таваккали эвазига юк жўнатилаётган мамлакатда ва (ёки) товар ишлаб чиқарилган мамлакатда харидор учун белгиланган мамлакатга товарни олиб киришида зарур бўлиши эҳтимол тутилган (тегишли ҳолларда эса – учинчи мамлакат орқали транзит равишда олиб ўтиш учун) бошқа ҳужжатларни олишда ёрдам кўрсатиш;

* товарни базис шартларида кўрсатилган жой ва шартномада шартлашилган муддатларда харидор ихтиёрига етказиб беришгача бўлган таваккал ва харажатларни ўз бўйнига олиш.

Харидор барча базис шартларида қуйидагиларга мажбур:

* шартномада ёки товарнинг ҳужжатларида кўрсатилган жой ва муддатда ўз ихтиёрига топширилган товарни қабул қилиб олиш ва шартномага мувофиқ нархларда товар учун ҳақ тўлашга;

* етказиб бериш муддатлари тугаганидан сўнг, товарни ўз вақтида қабул қилиб олмагани учун товар учраган харажатлар ва хавфларни ўз бўйнига олиш ва уларни қоплаш;

* товар жўнатилаётган ёки товарни ишлаб чиқарган мамлакатда бериладиган ҳужжатларни олиш пайтидаги барча харажатларни ҳамда йиғимларни тўлаш;

* агар етказиб бериш шартларида бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, барча божхона пошлиналари, шунингдек, товарни олиб киришда ёки олиб кирилаётган товарга қўйиладиган бошқа пошлиналар ва солиқларни тўлаш;

* ўзи таваккал қилган ҳолда ва ўзининг ҳисобидан жўнатилаётган мамлакатга олиб кириш учун талаб қилиниши эҳтимол тутилган импорт лицензиялари ва бошқа рухсатларни олишни таъминлаш.

Шартномада нарх етказиб беришнинг келишилган базисига кўра, товарнинг сон бирлигига алоҳида валютанинг пул бирлигида кўрсатилади. Бунда томонлар ўрнатилган нарх қандай тушунилиши, яъни унга юкни жўнатиш, тара, ўраш-

жойлаш, маркировка қилиш ва бошқалар билан боғлиқ харажатлар кириш-кирмаслигини келишиб оладилар.

Шартномада қуйидаги турли нархлар қўлланилиши мумкин:

- * катъий нарх;
- * кейинчалик қайд этиб бориладиган (фиксация) нарх;
- * ўзгарувчан нарх.

Катъий нарх музокараларда томонларнинг келишиб олганларидан сўнг шартномага киритилади ва шартнома бажарилиши давомида ўзгартирилиши мумкин эмас. катъий нархлар ташқи савдо операцияларида жуда кўп қўлланилади. Бироқ нархни белгилашнинг шу усулидан фойдаланаётганда, бу усул фақат қисқа муддатли битимларга (1–1,5 йил) мос келишини унутмаслик керак. Узоқроқ муддатга эга шартномаларда катъий нархни қайд этиб қўйиш шунга олиб келиши мумкинки, шартнома нархлари жорий бозор нахларидан анча фарқ қилиши мумкин. Бу эса томонлардан бири учун фойдали эмас.

Тўлов шартлари тўловнинг валютасини, усулини ва етказиб берилган товар учун ҳисоб-китобнинг тартибини, тўлов учун тақдим қилинадиган ҳужжатларнинг рўйхатини, асоссиз равишда тўловни кечиктириш ёки шартноманинг тўлов шартларини бошқача бузишлардан ҳимоя чораларини белгилаб қўяди.

Шартномаларда тўғри танланган тўлов шартлари ва ҳисоб-китоб шакллари кўп жиҳатдан ҳар бир ташқи савдо операцияларида маблағлар айланишининг тезлигини, шунингдек, унинг самарадорлигини белгилаб беради.

Тўлов шартларини танлашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- * товарнинг хусусияти (хомашё, озиқ-овқат, асбоб-ускуна, хизматлар. Ноу-хау);
- * тегишли товар бозорининг конъюнктураси;
- * савдо одатлари ва муносабатларнинг шаклланган амалиёти;
- * ҳукуматлараро тўлов битимларининг мавжудлиги;
- * котрагент-мамлакатларнинг валютани назорат қилишнинг миллий нормалари;

* банк амалиётида шаклланган, турли ҳисоб-китоб шакллари қўллаш бўйича бир хил қоидалар.

Тўлов шартлари товар ҳаракатда бўлишининг қайси босқичида унга ҳақ туланиши ва у бир марта ёки бир неча вазналар орқали туланишини белгилаб қўяди.

Халқаро савдо амалиётида қўлланиладиган тўловнинг бир неча усуллари бор: нақд пул билан тўлаш, кредит билан тўлаш, шунингдек уларнинг аралашмаси.

Нақд пул билан тўлаш товар экспортга тайёрланиши давридан то товар ёки товар ҳужжатларининг харидор ихтиёрига ўтишигача (ёки ўтиш пайтида) тўланадиган тўлов турларининг барчасини ўз ичига олади. Над ҳисоб-китоб турининг шакллари чек, пул ўтказиш, аккредитив, инкассо, очиқ рақам бўйича ҳисоб-китоб ҳисобланади.

Чек харидор ёки буюртмачининг ўз банкларига чекда кўрсатилган суммани тақдим этувчига (муайян шахсларга, ташкилотларга) ёки уларнинг буйруғига кўра, бошқа шахсларга бериши (ордер чеклари) тўлаш ҳақидаги ёзма фармойишидир. Тўловнинг чек шакли амалиётда кам қўлланилади.

Банк пул ўтказмалари – экспортчилар импортчиларга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар учун, даъволар бўйича ва бошқа ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича счёт жўнатишини аванслар беришни назарда тутди. Ушбу ҳужжатлар асосида тўловчилар ўз банкларига экспортчилар ёки кредиторларнинг рақамига пул ўтказиш учун тўлов топшириқномаларини юборадилар. Бу шакл асосан, кредитлар бўйича қарзларни тўлаш, ассортимент ва сифат бўйича рекламацияларни тартибга солиш, очиқ рақам бўйича қарзларни тўлаш, шунингдек, носавдо тўловлари бўйича тўловларни тўлашда қўлланилади.

Инкассо экспортчининг топшириғига биноан, импортчига товар ҳужжатлари берилишига қарама-қарши²³ импортчидан шартномадаги тўлов суммасини олиш ва уни экспортчи ҳисобига ўтказиш бўйича банкнинг мажбуриятидир.

²³ “Ҳужжатларига қарама-қарши” ибораси профессионал ибора бўлиб тегишли ҳужжатлар тақдим этилган пайтда амалга оширилишни билдиради.

Аккредитив харидорнинг шартномада кўрсатилган муддатда белгиланган эмитент-банкда келишилган суммага сотувчи фойдасига аккредитив очиш мажбуриятини назарда тутди.

Аккредитивнинг шартлари шартноманинг шартларига мос келиши керак. Шартномага киритилмаган шартлар аккредитив га киритилмайди.

Кредитга тўлаш. Халқаро савдо амалиётида *тижорат кредити* қўлланилади. Бу экспортчининг импортчига кредит бериши ёки импортчининг экспортчига аванс беришидир. Бундан ташқари, банк кредитлари ҳам қўлланилади.

Кредитга ҳисоб-китоб қилишвексел кредитини, тўлов муддатини кечиктиришни, ёки очик счёти бўйича кредитлашни назарда тутиши мумкин.

Шартномада тўловни кечиктириш ҳақида келишиб олинганида, томонлар аванс ва инкассо шаклидаги қисман нақд тўлашни назарда тутишлари мумкин. Кредитланадиган қисмнинг ҳажми, кредит бериш шартлари ва кредитни тўлаш тартиби шартномада атрафлича тасвирланиши керак. Халқаро савдода *вексел кредитини* беришда переводли *векселлар (тратталар)* кенг қўлланилади. Улар анча қулайроқ, чунки тўлов воситаси сифатида ишлатилиши мумкин.

Вексел халқаро савдонинг кўплаб иштирокчилари тижорат кредитларининг асосий шакли ҳисобланади. Экспортчи импортчи номига қисқа муддатли тратталар ёзиб беради ва товарларни тақсимлаш ҳужжатлари билан бирга уларни банкка топширади. Харидор фақат тратта акцептига қарши, яъни векселларни тўлаш учун қабул қилинганлигини тасдиқлаганидан кейин ўз банкидан ҳужжатларни олади.

Кредит шартлари одатда шартнома қийматининг 80-85%ни қоплайди. қолган қисми импортчи томонидан нақд пуллар билан, жумладан аванс шаклида тўланади.

Харидорга қулай бўлиши учун шартномада юклаш йўриқномалари тасвирланади ва сотувчининг товарнинг юклаб жўнатишга тайёрлиги ҳамда товар юклаб жўнатишганлиги ҳақида харидорни хабардор қилиш мажбурияти кўрсатилади. Шартномада, шунингдек, сотувчи юклаб жўнатишнинг мўлжалланаётган санаси

ҳақида сотувчи харидорни хабардор қилиши лозим бўлган муддат белгиланади. Бу муддат етказиб беришнинг бошланишигача бўлган кунлар билан ҳисобланади. Шартнома бўйича етказиб беришларда товарни қабул қилиш-топшириш катта роль ўйнайди. қабул қилиш-топшириш натижасида харидор товарни ўз билгича ишлатиш имкониятига эга бўлади, сотувчи эса ўз мажбуриятларини бажарган ҳисобланади.

Шартномаларда дастлабки ва якуний қабул қилиш-топшириш назарда тутилиши мумкин. Дастлабки қабул қилиш-топшириш тайёрланган товарнинг шартнома шартларига тўғри келишини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Якуний қабул қилиш-топшириш тегишли миқдор ва сифатли товарни олиш билан шартноманинг амалда бажарилганлигини билдиради. Якуний қабул қилиш-топшириш маълумотлари томонларнинг ҳисоб-китоб қилишлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Товарни қабул қилиш-топшириш сон ва сифат бўйича ўтказилдаи. Сон бўйича у товарни қайта санаб кўриш ёки ўлчаб кўриш орқали амалга оширилади ва бунинг натижалари тегишли ҳужжатларда акс эттирилади. Сифати бўйича товарни қабул қилиш-топшириш товарнинг сифати шартнома шартларига мос келишини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида ёки ҳақиқатда қабул қилиш жойига етказиб келинган товарнинг сифатини текшириш орқали амалга оширилади.

Товарни қабул қилиш-топширишнинг фактик жойи шартномада аниқ кўрсатилади. У сотувчининг мамлакатаида ҳам, харидорнинг мамлакатаида ҳам танланиши мумкин.

Томонлар товар сифатининг шартномада келишилганига тўғри келмаслиги оқибатларини (скидка, товарни алмаштириш, камчиликни (дефект) тузатиш) шартноманинг тегишли моддасида назарда тутишлари зарур.

Машиклар ва ускуналарни етказиб беришда шартномада сотувчининг *товар сифатининг кафолатлари ва техник характеристикалари* бўйича мажбуриятлари ифодалаб берилади. Бунда томонлар кафолат муддатлари, сотувчининг кафолат

муддатлари давомидаги мажбуриятлари. Даъво такдим этиш ва рекламцияни кондириш тартиблари келишиб олинади.

Кафолат муддатларини томонлар юзага келган халқаро амалиёт ва товарнинг туридан келиб чиқиб белгилайдилар. Келишилган муддат доирасида Сотувчи ектазиб берилган товарнинг сифати ва ундан самарали фойдаланиш учун жавобгар ҳисобланади. Шартномада шунингдек, кафолатлар жорий қилинмайдиган ҳолатлар ҳам санаб ўтилади (нотўғри сақлаш. Нотўғри фойдаланиш ва ҳ.к.лар). Кафолат тез ишдан чиқадиган деталлар ва эҳтиёт қисмларига жорий қилинмаслиги мумкин.

Камчиликлар аниқланганда харидор кафолат муддати давомида сотувчига товарнинг сифати бўйича даъво қилиши мумкин. Шартномада томонлар асосланган рекламацияларни кондиришнинг мумкин бўлган усулларини кўрсатишади: камчиликни батараф қилиш, товарни бутунлигича ёки қисман алмаштириш, нархини қирқиш ва бошқалар.

Рекламациялар такдим этишнинг тартиби рекламациялар такдим этиш учун муддатлар ўрнатишни назарда тутди, бунда такдим этиладиган ҳужжатларнинг турларини, рекламацияларга жавоб бериш муддатларини белгилаб беради.

Барча олди-сотди шартномалари суғурталаш билан бирга амалга оширилади. Шартноманинг шартларидан келиб чиқиб, бу мажбурият ё сотувчига ёки харидорга юкланади. Агар битимнинг шаклида бу мажбурият кўрсатилмаган бўлса, транспортировка вақтида товар тасодифан бузилиши таваккали зиммасида бўлган томон товарни суғурталашдан манфаатдордир.

Суғурталаш масалаларига бағишланган моддада шартнома томонлари қуйидагиларни назарда тутишлари керак: қандай юк суғурталаниши керак, қандай хавфдан суғурталаниши керак, томонлардан қайси бири суғурталашни амалга оширилади ва у кимнинг фойдасига амалга оширилади.

Ташқи савдо битимларида суғурталаш асосан, товарни транспортда ташишда назарда тутилади. Суғурталашга нисбатан томонларнинг мажбуриятлари шартноманинг базис шартлари билан ўрнатилади. Суғурталашни амалга ошириш

учун суғурта компанияси ва хўжалик ташкилоти ўртасида бош келишув (асосий полис) тузилади. У суғурталашнинг умумий шартларини акс эттиради. Юқларни суғурталаш суғурта компаниясида турли шартларда амалга оширилиши мумкин.

Машиналар ва ускуналарга, шунингдек, пудрат ишларига шартномалар тузилганда, материал объектларини ҳам, ходимларни ҳам (шахсий суғурталаш) суғурталашнинг алоҳида шартлари зарурлиги пайдо бўлиши мумкин. Бу шартлар шартномада атрофлича таърифланиши керак.

Шартномаларнинг шартлари, шунингдек экспортчиларнинг харидорларга суғурта полислари ёки сертификатларини (сотувчи товарни суғурталаш шарт бўлган ҳолларда) бериш бўйича мажбуриятларини ҳам ўз ичига олиши керак. Улар тўлов учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига киритилади.

Халқаро савдо амалиётида ўраш-жойлашнинг тури унинг қандай мақсадга бўйсундирилганлигидан келиб чиқади: релама учун, кадоқлаш учун, товарларни турли ташқи муҳитларда сақлаш учун ва ҳ.к.

Шартномага ўраш-жойлаш ва маркировка ҳақидаги бўлимларни товар турига кўра уларни ўраш зарур бўлган ҳолларда киритишади. Бунда моддада ўрашнинг тури ва хусусияти, унинг сифати, ўлчамлари, тўлов усуллари, шунингдек ўралганидан кейин тегишли маркани қўйиш кўрсатиб ўтилади.

Ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар шартли равишда *умумий ва махсус* талабларга бўлинади. Ўраш-жойлашга қўйиладиган умумий талаблар сотувчининг маълум ташиш турида юқнинг сақланишини таъминлаши бўйича мажбуриятдан келиб чиқади. Шартномада сотувчи базис шартларига москелмаган ҳолда ўралган товарни етказиб берганлиги учун жавобгарлиги назарда тутилиши мумкин. Ўраш-жойлашга махсус талаблар импортчи томонидан қўйилади. Улар одатда товарни ташиши ва импортчи мамлакат ҳудудида сақлаш хусусиятлари билан боғлиқ. Ўраш-жойлаш учун тўлов усуллари шартномада белгилаб қўйилади ва ўраш-жойлаш нархаларини товарнинг нархига қўйишини ҳам, товарнинг нархидан алоҳида белгилашни ҳам назарда тутиши мумкин.

Шартнома одатда бир қатор *жарима санкцияларини* назарда тутати. Улар ёрдамида ёрдамида харидор сотувчини ўз мажбуриятларини вақтида бажаришга рағбатлантиришга ва ўзининг эҳтимол тутилган зарарларини қоплашга ҳаракат қилади. Жарима санкциялари одатда мажбуриятларни бузишнинг давомийлигидан(просрочка ва ҳ.к.) келиб чиқиб, ўсиб боради.

Жарима санкциялари билан бир қаторда шартнома томонларнинг *зарарни ундиришига* бўлган ҳуқуқларини ҳам назарда тутати. Бундай ундириш шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Баъзи ҳолларда шартномага шундай шарт киритиладики, унга кўра, узок просрочка туфайли имортчи шартномага тижорий қизиқишини йўқотган бўлса, шартномани бажаришдан воз кечиш ҳуқуқига эга. Бунда импортчи зарарларни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Шартномага, шунингдек, импортчилар ўз мажбуриятларини бажармаганликлари (аккредитив очишда, тўловларни амалга оширишда, техник ҳужжатларни тақдим этишда ҳаяллаш) учун уларга нисбатан санкциялар ҳам киритилиши мумкин.

Амалда ҳар қандай олди-сотди шартномаси шундай моддага эга бўладики, бу модда одатда форс-мажор ёки енгиб бўлмас куч ҳоллари деб номланадиган маълум ҳоллар юзага келганида шартномани бажариш муддатларини орқага суради ёки умуман томонларни шартнома бўйича мажбуриятларни тўла ёки қисман бажаришдан озод қилади. Тегишли мадда ҳам ўз номига эга бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, халқаро ҳисоблашувларда асосий воситачилар банклар бўлиб, улар ташқи иқтисодий сиёсат иштирокчилари бўлмиш ўз миждозларининг пул воситаларини корреспондент ҳисобварақлари асосида мамлакатлараро ҳаракатини таъминлайдилар. Ва бизда ҳам ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашувлар тижорат банклардаги сиёсий ҳолатини яхшилаш жоиз деб ўйлайман.

1.3. Хўжалик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари

Корхоналарнинг ташқи иқтисодий алоқалари давлатнинг қонун ва қарорлари ва халқаро қоидаларга асосан тартибга солиб турилади. Ушбу муносабатлар бизнинг мамлакатимизда тегишли Президент Фармонлари, Қонунлар, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва тегишли Вазирликлар томонидан чиқарилган йўриқномалар билан тартибга солинади ва шуларга асосан назорат қилинади. Ўзбекистон Республикасида "Ташқи иқтисодий фаолият" тўғрисидаги қонун талабларидан келиб чиқиб хўжалик субъектларида ташқи иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилади. Тартибга солишнинг тезкорлик усулида товар ва хизматларни экспорт ва импорт қилишга лицензия (рухсат) бериш уларнинг квотаси (миқдори, ҳажми), товар номенклатураси (турлари)ни, божхона тартибини ўрнатиш ва ҳисоблашнинг валюта тартибини белгилашдир. Чунки ушбу усуллар тизими дастлабки молиявий ҳужжатларни тузишга, экспорт ва импорт муомалалари бўйича сарфланган харажатларга ва ушбу муомалалар юзасидан аниқланган молиявий натижаларга бевосита таъсир қилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш аввало божхона тартиби орқали амалга оширилади. Божхона тизимида давлат чегарасидан ўтадиган товарлар, ишлар ва хизматларга қўлланиладиган тартиблар кўрсатилади:²⁴

божхона тарифи (олинадиган йигимлар, тўловлар);

товар ва хизматларни чегарадан ўтказиш тартиби;

контрабандага қарши тадбирлар;

ўтказиладиган ва киритиладиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг турлари ва миқдори;

Товар ва ишларнинг номенклатурасига асосан қуйидагилар тузилади:

²⁴ www.tamojnaya.ru

дастлабки ҳужжатларнинг шакли ва унинг мазмуни-ўрнатилган халқаро тартиб ва қоидага асосан ўзгартирилган ҳолда;

божхона декларацияси - тегишли товарлар, иш ва хиз-матларнинг номлари, миқдори ва қиймати кўрсатилган ҳолда;

халқаро юкхатларнинг ўзига хос хусусиятлари, махсус белгилар қўйилган ҳолда.

Ушбу фаолиятда асосий босқичлардан биттаси тегишли контрактларни тузиш, миқдор, баҳо ва товарларни етказиб бериш тартиби ва графиги ҳисобланади. Чунки ушбу талабларнинг бажарилиши устидан тезкор ва қаттиқ назорат ўрнатилади.

Бундан ташқари ҳисоблашиш жараёни ташқи иқтисодий фаолиятда асосий ўринлардан бирини эгаллаб, бу муносабатлар "Валюта тартиблари ва валюта назорати тўғрисида"ги Қонунга асосан амалга оширилади. Валюта тартибларига риоя қилиш Марказий банк томонидан назорат қилиниб, ушбу Банкга қуйидаги ваколатлар юклатилган.²⁵

хориж валюталари муомалаларининг тартиби ва фаолият жараёнлари;

резидент ва норезидентлар томонидан валюта муомалаларини амалга ошириш қоидалари;

валюта муомалаларини ҳисобга олиш, ҳисоблаб ҳужжатлаштириш ва статистикасининг умумий тартибини ўрнатиш.

Халқаро тартиблар эса "Товарларнинг халқаро олди-сотди тўғрисидаги шартнома" БМТ конвенцияси, А/CONE. 97/18. Annex 1. ва Инкотермс ҳужжатларига асосланади. Ушбу ҳужжатларда:

иқтисодий алоқаларга қулай шарт-шароитлар яратиш, алоқа ўрнатиш, шартномалар тузиш ва тегишли тартиб ва қоидаларни ўрганиш учун маълумотлар ва ахборотлар билан таъминлаш;

²⁵ “Қорхоналарнинг молиявий-иқтисодий ахволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида” Низом (ЎзР АВ 14.04.2005 й. 1469-сон билан рўйхатга олинган ЎзР ИНКИК 16.03.2005 й. ГС-05/0271/1-сон Қарори).

товарларни олиш ва сотишдаги тўсиқлардан ўтиш, шартномалар тузиш, товарларнинг турлари, миқдори ва графикларини белгилаш ва етказиб бериш учун шароитлар яратиш;

товарларни сотиб олиш ва сотиш бўйича камситишлар (дискриминация)ни тугатиш, томонларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда хўжалик муомалаларини амалга ошириш;

шартномаларни амалга оширишга сарфланадиган вақт ва харажатларни қисқартириш мақсадида кўрсатилган шаклларда харажатларни ҳисобга олишда тасдиқланган "Низом" қоидаларига амал қилинади.²⁶

Бевосита хўжалик юритувчи субъектларда ташқи иқтисодий фаолиятдан олинadиган фойда ва ундan тўланадиган солиқ ҳисобини ташкил этишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари негизини 1996 йил 30 августидa қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонуни ташкил этади.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонун талаблари бўйича ҳисоб объектларидан бири бўлган ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этиш учун тегишли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари қабул қилинган. Жумладан 22 сонли “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларни ҳисоби” Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, импорт қилингантовар моддий қийматликларни харид қийматини шакллантириш, курс фарқлари ҳисоби, мамлакатдан ташқарида фалият юритиш учун ишлатиладиган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби келтирилган. Шунингдек чет эл валютасида айрим операцияларни амалга ошириш саналари рўйхати келтирилган.

²⁶ “Қорхоналарнинг молиявий-иқтисодий ахволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида” Низом (ЎЗР АВ 14.04.2005 й. 1469-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР ИНКИК 16.03.2005 й. ГС-05/0271/1-сон Қарори).

**Чет эл валютасида айрим операцияларни амалга ошириш саналари
рўйхати²⁷**

Чет эл валютасидаги операциялар	Чет эл валютасида операция амалга оширилган сана бўлиб ҳисобланади.
Валюта ҳисоб рақами бўйича банк операциялари	Пул маблағларини валюта ҳисоб рақамига қайд этиш ёки уларни валюта ҳисоб рақамидан ҳисобдан чиқариш
Чет эл валютасидаги касса операциялари	Чет эл валютасини кассага кирим қилиш ёки уни кассадан бериш санаси
Чет эл валютасидаги даромадлар	Чет эл валютасидаги даромадларни тан олиш санаси
Чет эл валютасидаги харажатлар	Чет эл валютасидаги харажатларни тан олиш санаси
Товар-моддий захиралар, бошқа мол мулк ва хизматлар импорти	Божхона юк декларациясини тўлдириш санаси
Ҳисобдор суммалар бўйича чет эл валютасидаги ходимларга қарзларни акс эттириш	Бўнак ҳисоботини тасдиқлаш санаси
Чет эл валютасидаги қарзларни сўндириш	Чет эл валютасидаги қарзларни сўндириш санаси
Устав сармоясига улушлар бўйича муассислар қарзларининг ҳосил бўлиши	Юридик шахс мақомини олиш санаси
Устав сармоясини шакллантириш	Устав сармоясига муассислар улушларини киритиш санаси

Манба: Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 22 сон

Шунингдек хорижий валютадаги операциялар ҳисобини ташкил этиш “Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида Низом” (янги таҳрирда). (ЎзР АВ томонидан 17.09.2004 й. 1411-сон билан рўйхатга олинган) юритилади, Ушбу низомга мувофиқ бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасидаги операцияларни акс эттириш тартиби четдан келтирилган товар-моддий қийматликлар ва бошқа

²⁷ Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 22 сон “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларни ҳисоби” ЎзР Адлия вазирлигидан 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатдан ўтган.

активларнинг харид қийматини шакллантириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби курс фарқлари ҳисоби молиявий ва статистик ҳисоботларда чет эл валютасидаги операцияларни акс эттириш тартибга солинади. Мазкур Низомда қайта баҳолаш ва курс фарқларини аниқлаш мақсадида баланснинг валюта моддаларига қуйидагилар киради:

а) кассадаги, банкдаги депозит ва ссуда счётларидаги валюта маблағлари, шу жумладан аккредитивлар;

б) чет эл валютасидаги пул ҳужжатлари;

в) чет эл валютасида ифодаланган қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестициялар;

г) чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, кредитлар ва пул қарзлар.

Хўжалик юритувчи субъектларда ташқи иқтисодий фаолиятлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этишнинг меъёрий ҳуқуқий услубий асосларини қуйидагича тизимлаштирилган ҳолда акс эттириш мумкин (Чизма 1.3.1)

Чизма 1.3.1

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари тизими

1 - ПОҒОНА
Ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини бевосита ва билвосита ташкил этишни тартибга солувчи қонунлар ва қонуний ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари).
2 - ПОҒОНА
Ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишини базавий тамойилларини умумлаштирувчи меъёрий ҳужжатлар (йўриқномалар, низомлар, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва бошқалар).
3 - ПОҒОНА
Корхоналарда ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини юритиш механизми, хусусиятларини акс эттирувчи ишлаб чиқариш ҳисобини ташкилий, техник ва услубий жиҳатларини мужассамлаштирган ҳисоб сиёсати.

Манба: Ғуломова Ф.Ғ. “Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма”. Тошкент: NORMA, 2009 йил

Товарларнинг сифатини шартномада аниқлаб олиш товарнинг характеристикасини белгилаш, яъни унинг харидор талабига мувофиқ яроқлилигини белгилашдир. Сифатни аниқлаш усули товарнинг хусусиятларидан халқаро савдода ушбу товарга нисбатан шаклланган амалиётдан келиб чиқиб белгиланади.

Етказиб бериш муддати томонлар келишиб олган ва шартномада назарда тутилган, шу вақт ичида сотувчи харидорга битим предметини етказиб бериши зарур бўлган муддат. Бунда битим предмети бир вақтда, шунингдек, бўлиб-бўлиб бирор муддат ичида етказиб берилиши мумкин. Бир вақтда етказиб беришда томонлар етказиб беришнинг бир муддатини, маълум вақт давомида етказиб беришда эса ҳар бир партия учун етказиб бериш муддатини кўрсатишади.

Ташқи савдо битимини тузишда шериклар товарни сотувчидан харидорга етказиб бериш билан боғлиқ (транспортда ташиш, йўлда суғурта қилиш, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ва ҳ.к.) кўплаб мажбуриятларни ўзаро аниқ тақсимлаб олишлари зарур. Бу мажбуриятлардан ҳар бири турли харажатларни назарда тутди, шунингдек, товарни транспортда ташишда унинг бузилиши ёки йўқолиши билан боғлиқ таваккал ҳам мавжуд.

Ҳулоса сифатида айтиш мумкинки, экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишда шартнома ҳужжатлари, яъни давлатлар ўртасидаги ўзаро битимлар давлат иқтисодига зарар қилмаслиги зарур. Уларнинг молиявий ҳисобот тузиш тажрибаси халқаро тажриба кенг қўлланиб келинади, аммо миллий ҳисоб тизимимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш амалиёти ҳали тўлиқ жорий этилмаган. Шу мақсадда бу масала халқаро амалиёт ёрдамида

такомиллаштирилишни талаб этади.

2 – боб Иқтисодиётни барқарорлаштириш жараёнида хўжалик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятлари бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини амалий ҳолати

2.1 .Хўжалик субъектларида экспорт муомалалари бўйича ҳисоблашувлар ҳисоби

Экспорт – товарларнинг давлат чегарасидан ўтказилишдир. Товарларнинг экспортини назорат қилиш иш ва хизматлар экспортини назорат қилишдан осон, чунки у мулк ва аниқ кўринишга эгадир. Лекин иш ва хизматларнинг экспортини назорат қилганда қуйидагиларга асосланиш керак:

- хориждаги шахс билан тузилган контракт;
- бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматнинг ҳақиқий жойи;
- халқаро юкларни ташиш ҳужжатлари;

Чунки бу чегараланиш валюта муомалаларини тартибга солиш, молиявий натижаларни аниқлаш ва солиққа тортиш жараёнини тўғри амалга оширишга асос бўлади.

Товар, иш ва хизматларни экспорт қиладиган субъектлар уч гуруҳга бўлинади:

- экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар;
- экспорт билан шуғулланадиган савдо фирмалари;
- даллол фирмалар – комисион йиғим эвазига ишлаб чиқарувчи ёки савдо фирмаларининг тайёр маҳсулотлари ёки товарларини сотиб берадилар ёки сотувчиларнинг топшириғини бажарадилар.

Ташқи савдода қўлланиладиган шартномалар турли шартларга эга. Улар товарни тавсифлайди, битмнинг тижорий хусусиятларини, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Шартноманинг барча шартларини қуйидагича тавсифлаш мумкин.

- 1) сотувчи ва харидор учун уларнинг мажбурийлиги нуқтаи назардан;
- 2) универсаллиги нуқтаи назардан.

Мажбурийлиги нуқтаи назаридан шартнома шартлари: мажбурий ва қўшимча шартларга бўлинади.

Мажбурий шартларга қуйидагилар киради:

- * битм томонларининг номи;
- * шартнома предмети;
- * сифат ва сон;
- * етказиб беришнинг асосий шартлари;
- * баҳо;
- * тўлов шартлари;
- * санкция ва рекламациялар (жарималар, даъволар);
- * томонларнинг юридик манзиллари ва имзолари.

Қўшимча шартлар қуйидагилар:

- * товарни топшириш ва қабул қилиш;
- * суғурта;
- * юклаш ҳужжатлари;
- * кафолатлар;
- * ўраш-жойлаш ва маркировка;
- * форс-мажор ҳолатлари;
- * арбитраж;
- * бошқа шартлар.

Мажбурий шартларда агар томонлардан бири ушбу шартларни бажармаса, бошқа томон шартномани бузиши ва шартномани қоплашни талаб қилишга ҳақлидир. Қўшимча ёки жуда муҳим бўлмасин деб номланган шартлар ҳам мавжуд. Уларни ушбу шартларини бир томон бузса, иккинчи томон шартномани бузишни талаб қилишга ҳақли эмас.

Универсаллиги нуқтаи назаридан шартнома шартлари индивидуал ва универсалга бўлинади:

Индивидуал, яъни факат бир конкрет шартномага хос булган шартларга куйидагилар киради:

- * муқаддимада томонларнинг номи;
- * шартнома предмети;
- * товар сифати;
- * товар сони;
- * баҳо;
- * етказиб бериш муддатлари;
- * томонларнинг манзили ва имзоси.

Универсал шартларга куйидагилар киради:

- * товарни қабул қилиш-топшириш;
- * етказиб беришнинг асосий шартлари;
- * тўлов шартлари;
- * ўраш-жойлаш, маркировка;
- * кафолатлар;
- * санкциялар ва рекламациялар;
- * форс-мажор ҳолатлари;
- * арбитраж.

Шартномаларни тузишда контрагентнинг мамлакатларига савдо одатларини ҳисобга олиш керак. Савдо одатлари деганда халқаро савдо амалиётида шаклланган умумэътироф этилган ягона қоида тушунилади. Бу қоидаларнинг аҳамияти шундаки, агар бирор-бир ноаниқликлар мавжуд бўлса, томонлар халқаро савдо одатини қўллайдилар.

Аслида шартнома тузишда уни бажаришда юзага келган барча эҳтимол тутилган саволларни олдиндан айтиб бўлмайди.

Халқаро савдо операцияларида аккредитив ҳисоб-китоб шакли кенг тарқалган ҳамда ушбу шакл импортёрлар ва экспортёрлар рискени сезиларли даражада камайтиради. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ушбу рискларнинг камайиши корхонанинг қатор таҳлилий кўрсаткичларига ижобий

таъсир қилиб, корхона барқарорлигини таъминлайди. Бироқ ҳисоб-китобнинг ушбу шаклини танлаш банк хизматлари тўловлари бўйича қўшимча харажатларни юзага келтиради. Бу турдаги шартномаларни тузишда хўжалик юритувчи субъектлар аккредитив қўйиш билан боғлиқ харажатларни хорижий шерик корхона ҳисобига қоплашга ҳаракат қилишлари зарур.

Ўзбекистон Республикасида аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси(45-боб § 3 “Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар”) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 1/4 (60)-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида” Низом билан тартибга солинади. Шунингдек, аккредитив билан ҳисоблашиш тартиби "Хужжатлар аккредитив билан ҳисоблашишнинг умумий қоидаси ва тартиби" (Жаҳон савдо палатаси №400) билан ўрнатилган.

Ушбу ҳисоблашиш тартибида тўловчининг илтимоси ва кўрсатмасига асосан (банк-эмитент) қуйидаги муомалаларни амалга оширади:

1. олинган ёки олинадиган товарларнинг қийматини учинчи шахсга пулда ёки ўтказиладиган васиқа (вексел)да тўлаши;
2. бошқа банкка ушбу муомалаларни амалга ошириш ҳуқуқини бериши мумкин.

Ушбу шакллардаги ҳисоблашишлар қуйидаги тартибда содир бўлади:

Истеъмолчи (импортчи) сотувчи (экспортчи) товарларнинг тайёрлиги тўғрисидаги хабарни олгандан кейин ўзининг банкига экспортчининг банкида контрактда кўрсатилган суммада аккредитив очиш учун ариза беради. Ушбу аризада суммани тўлаш учун зарур бўлган хужжатлар кўрсатилади ва истеъмолчининг банки сотувчига хизмат қиладиган банкда тегишли сумма бўйича белгиланган муддатда аккредитив очади. Сотувчи (экспортчи) товарларни жўнатгандан кейин ўзининг банкига контрактда кўрсатилган хужжатларни топшириб тегишли суммани аккредитивдан олади ва ушбу муомалани сотувчининг банки истеъмолчининг банкига тегишли хужжатлар билан етказди. Аккредитивлар хорижда очилганда

уларнинг аналитик ҳисоби аккредитивлар, давлатлар, аниқ турлари ва валюта кодлари бўйича юритиши мақсадга мувофиқ.²⁸

5510-«Аккредитивлар» ҳисобварақида аккредитивларла турган маблағлар ҳаракати ҳисобга олинган. Аккредитив шаклида ҳисоб-китоб қилиш тартиби Марказий банк қоидаларида белгилаб қўйилган.

Аккредитив банкнинг шартли пул мажбуриятномаси бўлиб, банк бу ҳужжатни мижознинг топшириғига кўра шартнома бўйича унинг контрагентига беради. Бу шартномага кўра аккредитив очган банк (эмитент банк) маҳсулот етказиб берувчига пул тўлаши ёхуд шундай тўловлар ўтказиш учун бошқа банкка ваколат бериши мумкин. Бунда мижоз аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатларни тақдим этиши ва аккредитивнинг бошқа талабларини бажариши шарт қилиб қўйилади.

Аккредитивларнинг қуйидаги турлари очилиши мумкин:

- ◆ қопланган (депонентланган) ёки қопланмаган (кафолатланган):
- ◆ қайтариб олинган ёки қайтариб олинмайдиган.

Агар аккредитив очилаётган вақтда эмитент банк тўловчининг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни эмитент банк мажбуриятлари амал қиладиган бутун муддатга «Аккредитивлар» деган алоҳида баланс ҳисобварағига қўйиш учун маҳсулот етказиб берувчи банки (ижрочи банк) ихтиёрига ўтказса, бу қопланган (депонентланган) аккредитив ҳисобланадн.

Банклар орасида корреспондентлик муносабатлари ўрнатилган ҳолларда қопланмаган (кафолатланган) аккредитив ижрочи банкда унга эмитент банкнинг ижрочи банкдаги ҳисобварағидан бутун аккредитив суммасини чиқариб олиш ҳуқуқини бериш йўли билан очилиши мумкин.

Ҳар бир аккредитивда у қайтариб олинган ёки қайтариб олинмайдиган шаклдалиги аниқ кўрсатилиши керак. Агар шундай кўрсатма бўлмаса, аккредитив қайтариб олинган деб ҳисобланади.

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: NORMA, 2010. – 511 б.

Қайтариб олинмайдиган аккредитив унинг асосида пул оладиган маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитив фақат битта маҳсулот етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун очилиши мумкин.

Аккредитив амал қиладиган муддат ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўловчи билан маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади. Шартномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур:

- эмитент банк номи;
- аккредитив тури ва уни ижро этиш усули;
- аккредитив очилгани тўғрисида маҳсулот етказиб берувчига хабар қилиш усули;
- аккредитив бўйича пул олиш учун маҳсулот етказиб берувчи тақдим этадиган ҳужжатларнинг тўлиқ руйхати ва аниқ тавсифи;
- товар жўнатилгандан кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддати ҳамда уларни расмийлаштиришга доир талаблар;
- бошқа зарур ҳужжатлар ва шартлар.

Эмитент кафолатланган аккредитивларни харидор билан келишувга кўра ва бошқа банк билан ўрнатилган корреспондентлик муносабатлари шартларига мувофиқ очади. Маҳсулот етказиб берувчининг банки бундай аккредитивларни белгиланган тартибда ижро этади.

Аккредитив очмоқчи бўлган тўловчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка (эмитент банкка) аккредитив учун электрон ариза беради. Бу аризада тўловчи қуйидагиларни кўрсатиши шарт:²⁹

- аккредитив очиш учун асос бўлган шартнома рақами;
- аккредитив амал қиладиган муддат (аккредитив ёпиладиган кун ва ой);
- маҳсулот етказиб берувчининг номи;
- аккредитивни ижро этувчи банк номи;

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: NORMA, 2010. – 511 б.

- аккредитив ижро этиладиган жой;
- аккредитив бўйича тўловлар ўтжазилишига асос бўладиган хужжатларнинг тўлиқ ва аниқ номи, уларни тақдим этиш муддати ва расмийлаштириш тартиби (тўлиқ батафсил рўйхат аризага илова қилиниши мумкин);
- аккредитив тури ва унга доир зарур маълумотлар;
- аккредитив қандай товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиш) учун очилаётгани, товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиш) муддати;
- аккредитив суммаси;
- аккредитивни амалга ошириш усули.


Электрон тўлов хужжатини тўғри расмийлаштириш учун тўловчилар маҳсулот етказиб берувчидан аккредитив бўйича унинг номига очилган ҳисобварақ рақамини аниқлаб олишлари керак.

Аккредитив очиш тўғрисидаги ариза аккредитив шартларини бажариш учун тўловчи банкка зарур микдордаги нусхаларда тақдим этилади.

Банк муассасасига келиб тушган аккредитивлар ҳисобини юритиш учун тўловчи банкда «пули тўланадиган аккредитивлар» деган балансдан ташқари ҳисобварақ очилади.

Чизма -2.1.1

Аккредитив ҳисоб шаклини схематик кўриниши.



Манба: Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.-Сам.: Зарафшон 2001.-272 б.

Ижрога қабул қилинган аккредитив махсус шаклдаги дафтарда рўйхатга олинади. Унда сана, тартиб рақами, маҳсулот етказиб берувчининг номи, аккредитив муддати ва сумма кўрсатилади. Аккредитивга ўтказиш дафтарда рўйхатга олинган тартиб рақами берилади.

Товарларнинг экспортини назорат қилиш иш ва хизматлар экспортини назорат қилишдан осон, чунки у мулк ва аниқ кўринишга эгадир. Лекин иш ва хизматларнинг экспортини назорат қилганда қуйидагиларга асосланиш керак:

- хориждаги шахс билан тузилган контракт;
- бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматнинг ҳақиқий жойи;
- халқаро юкларни ташиш ҳужжатлари.

Чунки бу чегараланиш валюта муомалаларини тартибга солиш, молиявий натижаларни аниқлаш ва солиққа тортиш жараёнини тўғри амалга оширишга асос бўлади.

Товар, иш ва хизматларни экспорт қиладиган субъектлар уч гуруҳга бўлинади:

- экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар;
- экспорт билан шуғулланадиган савдо фирмалари;
- даллол фирмалар – комисион йиғим эвазига ишлаб чиқарувчи ёки савдо фирмаларининг тайёр маҳсулотлари ёки товарларини сотиб берадилар ёки сотувчиларнинг топшириғини бажарадилар.

Савдо фирмалари товарларни экспорт қилиш учун ишлаб чиқарган субъектлардан сотиб олганда дастлабки ҳужжатларга асосан счётларда қуйидагича қайд қиладилар:

Дт 2910- «Омбордаги товарлар» ёки 2960- «Экспорт қилинадиган товарлар»;

Дт 4410- «Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар» счёти (ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммасига)

Кт 6010- «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар».

Экспорт қилинган товарларни ҳисобга олиш учун давлат чегарасидан ўтган ёки хориж истеъмолчисига берилганлигини тасдиқловчи дастлабки ҳужжатлар асос бўлади. Ушбу ҳужжатларга қуйидаги ҳужжатлар киради:

- юкхатларнинг нусхалари илова қилинган мол етказиб берувчи фирманинг счётига тўлов розилиги;
- почтанинг юкни жўнатиш учун қабул қилинганлигини тасдиқловчи паттаси;
- қабул қилиш далолатномаси;
- жўнатиш ҳужжатларига асосан ёзилган тўлов счётлари;
- тижорат (коммерция) далолатномаси;
- экспедитор ва консигнаторларнинг қабул қилиш далолатномаси.

Дунёда товарларни етказиб беришнинг ҳар хил тартиблари мавжуд бўлиб, бу тартиблар «Инкотермс» да умумлаштирилган.

Масалан: «Франко-ташувчи» (FCA) – сотувчи ўз товарини олувчига ёки унинг вакилига топширган вақтдан бошлаб жавобгарликдан соқит бўлади.

«Франко-чегара» (DAF) – сотувчи товарини чегарадаги кўрсатилган манзилга етказиб беради.³⁰

Ушбу воқеалар содир бўлгандан кейин товарлар 9110- «Сотилган маҳсулотларнинг таннархи» счётида қайд қилинади ва 2910- «Омбордаги товарлар» ёки 2960- «Экспорт қилинадиган товарлар» счётининг кредитидан 9110- «Сотилган маҳсулотларнинг таннархи» счётининг дебетига ўтказилади.

Жўнатиш товарларнинг ҳаракати устидан назоратни кучайтириш мақсадида ва экспортнинг хусусиятлари ва қоидаларидан келиб чиққан ҳолда «Экспортга жўнатиш товарлар» номли 2960 счётни очиш ва унда қуйидаги қўшимча счётларни очиш мақсадга мувофиқдир:³¹

- 2961 - «Экспортга жўнатиш йўлдаги товарлар»- истеъмолчиларга жўнатиш, лекин мулк ҳуқуқи берилмаган;

³⁰ Очилов И. Азларов Д. Авлоқулов А. Молиявий ҳисоб. Т.: ТМИ, 2004, 230-б.

³¹ Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замоновий бухгалтерия ҳисоби.- Т.: Ўзбекистон БАМА нашр. 1-П-том. 2002.-122 б.

- 2962 - «Жўнатилган ва фактураланган экспорт товарлари»- хориждаги истеъмолчига жўнатилган ва унга мулк ҳуқуқи берилган товарлар учун.

Агарда товарлар тегишли тузилган контрактларга асосан экспорт қилинса, лекин мулкчилик ҳуқуқи берилмаса:³²

Дт 2961-«Экспортга жўнатилган йўлдаги товарлар» счётига;

Кт 2960-«Экспорт қилинадиган товарлар» счётидан ўтказилади.

Агарда шу вақтнинг ўзида харидорга мулкчилик ҳуқуқи берилса:

Дт 9120-«Сотилган товарларнинг таннари» счётига;

Кт 2961-«Экспортга жўнатилган йўлдаги товарлар» счётидан ўтказилади ва шу билан бир вақтда уларнинг контрактда кўрсатилган суммаси:

Дт 4010-«Харидор ва буюртмалардан олинadиган счётлар»;

Кт 9020-«Товарларни сотишдан олинган даромадлар» счётларида қайд қилинади.

Жўнатилган товарлар 2960-счётда хориж валюталарининг сўмга нисбатан курсидан қатъий назар сўмда акс эттирилиб борилади.

Экспорт маҳсулотларини сотиш учун 9010-«Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромад» счётида тегишли 9011-«Экспорт маҳсулотни сотишдан олинган даромад» счётини очиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу счётда экспорт муомалалари қўйидаги дастлабки ҳужжатларга асосан амалга оширилади:

- маҳсулот ёки товарлар учун – контракт, юкхати жўнатиш, бериш қайдномаси ва бошқа жўнатиш ҳужжатлари;
- бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат учун – бажарилган иш ва кўрсатилган хизматнинг далолатномаси ва чегарадан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- трубопровод товарлари (нефть, газ, сув ва бошқалар) учун ҳисобловчи ускуналар (счётчик)нинг маълумотларини кўрсатадиган далолатномалар.

Жаҳон амалиётида тайёр маҳсулот ёки товарларни сотилган деб эътироф қилишнинг иккита усули мавжуд:

³² Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замоновий бухгалтерия ҳисоби.- Т.: Ўзбекистон БАМА нашр. 1-П-том. 2002.-122 б.

- маҳсулот ва товарларни харидорга жўнатган ёки улар юзасидан тўлов ҳужжатларини тегишли банкка берган вақтдан бошлаб, улар сотилган деб тан олинади;
- тайёр маҳсулотлар ёки товарларни харидорларга жўнатгандан кейин уларнинг шартномада кўрсатилган қиймати пул маблағлари счётига кирим қилинган вақтдагина сотилган деб тан олинади.

Маҳсулот қиймати истёъмолчи томонидан тўланганда (ҳисоблашиш счётига кирим қилинганда) сотилган деб тан олинганда, счётларда қуйидагича қайд қилинади:

- Маблағ хориж валютаси счётига келиб тушганда импортчи ушбу маҳсулотнинг қийматини тўлашга розилик берса:³³

Дт 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар»;

Кт 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» счёти;

Дт 5210-«Мамлакат ичидаги хориж валютасидаги маблағлар» ёки 5220-«Хориждаги валюта счётидаги маблағлар» счёти;

Кт 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти.

- Сотилган маҳсулотнинг қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

Дт 9110-«Сотилган маҳсулотларнинг таннари»

Кт 2861-«Экспортга жўнатилган йўлдаги тайёр маҳсулотлар» счёти.

Агарда экспорт маҳсулот жўнатилган вақтидан сотилган деб қабул қилинса ва мулк ҳуқуқи хориж истёъмолчига берилса, товар истёъмолчига жўнатилиб счёт-фактура (инвойс) қўйилса, контрактда кўрсатилган суммага:³⁴

Дт 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти

Кт 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» комитент шу вақтда сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннарига:

Дт 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннари» счёти

Кт 2810-«Экспортга тайёрланган маҳсулотлар» счёти.

Ушбу муомала бўйича истёъмолчилар қарзини тўласалар:

³³ Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.-Сам.: Зарафшон 2001.-272 б.

³⁴ Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Шарқ, 2004.-592 б.

Дт 5210-«Мамлакат ичидаги» ёки 5220- «Хориждаги валюта счёти».

Кт 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»да қайд қилинади ёки бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар бўйича:

Дт 9130-«Сотилган иш ва хизматларнинг таннари» счёти

Кт 2020-«Экспорт қилинадиган ишлар» счёти.

Экспорт маҳсулотини реализация қилиш натижасида молиявий натижанинг аниқлаш учун жами сарфлар ва даромадлар якуний молиявий натижалар счётида тегишли йўллар бўйича йиғилади.³⁵

1. Дт 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» счёти

Кт 9910-«Якуний молиявий натижалар» счёти.

2. Д-т 9910-«Якуний молиявий натижалар» счёти

К-т 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннари» счёти

3. Дт 9910-«Якуний молиявий натижалар» счёти

Кт 9410-«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар» счётлари.

Хориж фирмаларининг товарлари, иш ва хизматларни сотиб олиш билан боғлиқ қарзлари 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счётидан чет эл валютаси сўмда кўрсатилади ва ҳар ойда аниқланган валюта курсининг фарқи агарда валюта курси сўмга нисбатан пасайса, субъектнинг фойдасига:

Дт 5210- «Мамлакат ичидаги валюта счёти»

Кт 9540- «Сўм курсидаги ижобий фарқ бўйича даромадлар» комитент агарда валюта курси сўмга нисбатан ошса, субъектнинг зарарига олиб борилади:

Дт 9630- «Сўм курсидаги салбий фарқ бўйича зарарлар» счёти

Кт 5210- «Мамлакат ичидаги валюта счёти» счётларида қайд қилинади.

Хориж фирмалари тўлаган пул маблағлари субъектнинг тегишли счётига кирим қилинса:

Дт 5210- «Мамлакат ичидаги валюта счёти» ёки 5220- «Хориждаги валюта счёти»

³⁵ Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замоновий бухгалтерия ҳисоби.- Т.: Ўзбекистон БАМА нашр. 1-П-том. 2002.-122 б.

Кт 4010- «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счёта»да валюта ва сўмда қайд қилинади.

Агарда хориж фирмасидан жўнаталадиган маҳсулот учун олдиндан бўнак олинган бўлса, у вақтда бўнак суммаси счёта»да қуйидагича акс эттирилади:³⁶

Дт 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти» ёки 5220- «Хориждаги валюта счёти»

Кт 6310-«Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти истеъмолчи олган тайёр маҳсулотнинг ёки товарнинг қийматини тўлагандан илгари олинган бўнак суммаси тўлиқ ҳисоблашишда инобатга олинади:

Дт 6310-«Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»

Кт 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счёта» ва қолган сумманигина истеъмолчилар тўлайдилар:

Дт 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти» ёки

Кт 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счёта»да қайд қилинади.

Мабодо олинган бўнак экспорт маҳсулотининг тўлиқ қийматини ташкил қилса, яъни контрактга асосан қийматини олдиндан тўласа маҳсулот сотилганда счёта»да қуйидагича акс эттирилади.³⁷

Дт 6310-«Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»

Кт 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» счётида валюта ва сўмда қайд қилинади, яъни 4010 счётини қўллаш зарурияти қолмайди.

³⁶ Иткин Ю.М., Сотиволдиев А.С. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана. I-II том -Т.: АБиАРУз, 2000. 560 с.

³⁷ Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замоновий бухгалтерия ҳисоби.- Т.: Ўзбекистон БАМА нашр. 1-П-том. 2002.-122 б.

2.2. Хўжалик субъектларида импорт муомалалари бўйича ҳисоблашувлар ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолияти жараёнида маҳсулотларни экспорт қилишдан ташқари ўзига четдан товарлар, ускуна ва материаллар ҳам олиши мумкин. Бу жараёнлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ◆ ишлаб чиқариш истеъмоли учун ҳом-ашё ва материаллар олиш;
- ◆ ўз корхонаси учун машина ва ускуналар олиш;
- ◆ ўзининг харидорлари ва буюртмачиларига сотиш учун четдан товарлар олиш.

Ушбу муомалалар амалга оширилаётганда ҳисобнинг асосий вазифаларидан бири олинаётган қийматликларнинг қийматини тўлиқ ва тўғри ҳисоблаш ҳамда жорий ҳисобда акс эттиришдир. Шунинг учун 1510-“Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш”синтетик счётида 1520-“Импортга олинган товар-моддий захиралари” счётини очиб унда юқорида келтирилган товар-моддий қийматликлари бўйича сарфланган ҳамма харажатларни йнғиб бориш ва ушбу товар-моддий захираларнинг таннархини аниқлаш зарур.

Ушбу 1520-“Импортга олинган товар-моддий захиралари” счётининг дебет томонида импорт товарлари, ҳом-ашё ва материаллар, машина ва ускуналар бўйича сарфланган ҳамма харажатлар ва уларнинг сотиб олиш баҳолари кўрсатилиши лозим. Кейинчалик ушбу товар-моддий захираларни тегишли 2900, 1000, 0700 ва 0800 счётларга ҳақиқий-тўлиқ таннархда ўтказилади. Чунки йўриқномага мувофиқ импорт қилинган товар-моддий захираларнинг таннархига қуйидагилар қўшилади:

- товар-моддий захираларни сотиб олиш баҳоси;
- ҳисобланган акциз суммаси;
- божхона тўлови ва йиғимлари;

- товар-моддий захираларни олиб келиш сарфлари.

Агарда хориждан моддий бойлик сотиб олинса:

Дт 1510-«Товар-моддий захираларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти;

Кт 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарз» счёти.

Ҳисобланган божхона тўловлари ва йиғимлари суммасига:

Дт 1510-«Товар-моддий захираларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти;

Кт 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашиш» счёти.

Агарда мол етказиб берувчи истеъморчининг омборигача етказиб берса, ҳисобланган акциз солиғи суммасига.³⁸

Дт 1510-«Товар-моддий захираларини тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти

Кт 6410-«Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар» счёти.

Агарда ушбу солиқни истеъморчи тўласа, тўланган ҚҚС ва акциз солиқлари қуйидагича акс эттирилади:

Дт 6410-«Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар» счёти ва

Кт 5110-«Ҳисоблашиш счёти».

Кейинчалик товар-моддий захираларнинг тўлиқ таннарни аниқланиб. Ушбу 1510-счётдан тегишли ТМЗ ҳисобга олувчи счётларга ўтказилади:

Дт 1000, 1100, 1200, 2900 (ТМЗ турлари бўйича)

Кт 1510-«Товар-моддий захираларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счёти.

Олинган товар ва моддий қийматликлар субъектнинг мулки бўлган санадан унинг балансига қирим қилинади ва ҳисоблашиш амалга оширилган санада хориж валютаси билан сўм курси белгиланади.

³⁸ Лермонтов Ю.М. Как принять экспортный акциз к вычету. // Бухгалтерский учет, 2008. №23, 44 с.

Сотиш учун олинган импорт товарларини уларнинг турлари, гурухи бўйича айрим ҳолда 2900 счётлар гурухидаги тегишли счётларда ҳисобга олиб бориш мақсадга мувофиқ. Чунки товарларнинг турлари, олиш вақти ва олиб келиш тартиби билан уларнинг акциз солиғи, ҚҚС, божхона тўловлари ва транспорт харажатлари ҳар хил бўлади.³⁹

Харажатларни ҳисобга олишда қуйидаги тартиблар ва ҳужжатлар тасдиқланган:

- ◆ денгизда ташишда – пароход, коносамент;
- ◆ темир йўл билан ташишда – вагон, халқаро темир йўл юкхати;
- ◆ автотраснпортда – автотранлфорт, халқаро автотранспорт юкхати (Т1К);
- ◆ ҳаво транспортнда – ҳаво лайнери, халқаро ҳаво транспорти юкхати.

Корхона ва фирмалар товарларни улгуржи савдода сотиб олиш баҳосида ва чакана савдо ва умумий овқатланишда сотиш баҳосида ҳисобга олиши мумкин.

Чакана савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналарн товарларни сотиш баҳосида ҳисобга олганликлари учун товарларни сотиш баҳосига етказиш мақсадида ҚҚС, акциз солиғи, божхона тўловлари ва олиб келиш сарфларини товарларнинг сотиб олиш қийматига қўшадилар.

Тайерлов, таъминот-сотиш, улгуржи ва бошқа субъектлар импорт товарларни ҳақиқий таннархда ҳисобга олиб борадилар. Улгуржи савдо корхоналари товарларни сотиб олиш баҳосида ҳисобга оладилар. Лекин ҚҚС, акциз солиғи ва божхона тўловларини айрим ҳисобга олиб борадилар. Харидор ва буюртмачилар билан келишилган баҳолар ҳисобидан давлат бюджетига солиқлар, мол етказиб берувчиларга тўланадиган контрактда кўрсатилган сумма, божхона тўловлари. Транспорт сарфлари ва муомала сарфлари қопланади, шу билан бирга фойда ҳам олиниши керак.

³⁹ Ортиқов Х., Югай Л., Тухсанов Ҳ., Хужабеков Н. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига шарҳлар тўплами. Тошкент “NORMA” 2010.

Тузилган контрактга асосан хориж фирмаларидан товар олинди.

- Товарнинг келишилган контракт баҳоси:

улгуржи ва чакана савдо корхоналарида:

Дт 2900-«Товарларни ҳисобга олувчи счётлар» – товарларнинг гурухи ва турлари бўйича

Кт 6010-«Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга бўлган қарз» счёти.

- Божхона тўловлари ва йиғими суммасига:

улгуржи ва чакана савдо корхоналарида:

Дт 2900-«Товарларни ҳисобга олувчи счётлар» – товарларнинг гурухи ва турлари бўйича

Кт 6990-«Ҳар хил ҳисобланган мажбуриятлар» счёти.

- Акциз солиқлари ҳисобланганда (агарда харидор солиқни тўласа):

улгуржи ва чакана савдо ташкилотларида

Дт 4010-«Истеъмолчи ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» – истеъмолчиларнинг гурухи ва турлари бўйича

Кт 6410-«Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар» счёти.

- Қўшилган қиймат солиғи ҳисобланганда (агарда харидор солиқни тўласа):

улгуржи ва чакана савдо корхоналарида

Дт 4010-«Истеъмолчи ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»- истеъмолчиларнинг гурухи ва турлари бўйича

Кт 6410-«Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар» счёти.

- Ҳисобланган солиқлар суммаси тўланганда:

Дт 6410-«Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар» счёти Кт 5110-«Ҳисоблашиш счёти»

- Божхона тўловлари ва йиғимлари тўланганда:

Дт 6990-«Ҳар хил ҳисобланган мажбуриятлар» счёти

Кт 5110-«Ҳисоблашиш счёти»

- Сотиш билан боғлиқ харажатларни тегишли хужжатларга асосан акс эттириш:

Дт 9410-«Муомала харажатлари» счёти

Кт савдо сарфларининг турлари – 0200, 6710, 6520, 2310, 9450 ва ҳоказо счётлари.

Товарларни сотиш натижасида ҳисобланган даромадлар суммасига улгуржи ва чакана савдо корхоналарида:⁴⁰

Дт 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кт 9020-«Товарларни сотишдан олинган даромадлар» счёти.

Сотилган товарларнинг қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

товарларнинг ҳақиқий таннархида улгуржи ва чакана савдода

Дт 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи» счёти

Кт 2910-«Омбордаги товарлар» счёти.

Товарларни сотишдан олинган даромад суммасига:

Улуржи ва чакана савдо корхоналарида:

Дт 5110-«Ҳисоблашиш счёти»

Кт 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар»

ҳисобдан чиқарилган муомала харажатларига:

Иккала савдо ташкилотлари ҳам

⁴⁰ Ортиқов Х., Югай Л., Тухсанов Ҳ., Хужабеков Н. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига шарҳлар тўплами. Тошкент “NORMA” 2010.

Дт 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти;

Кт 9410-«Муомала сарфлари» сарфларнинг турлари бўйича.

Ушбу муомалаларнинг якунига асосан молиявий натижаларни аниқлаш қуйидагича амалга оширилади:⁴¹

ҳисобдан чиқарилган товарларнинг таннарни якуний молиявий натижаларга олиб борилади

Дт 9910-«Якуний молиявий натижалар» счёти

Кт 9120-«Сотилган товарларнинг таннарни» счёти

Дт 9020-«Товарларни сотишдан олинган даромадлар» счёти

Кт 9910-«Якуний молиявий натижалар» счёти.

Демак, 9910-«Якуний молиявий натижалар» счётининг дебет томонида – сотилган товарларнинг таннарни ва муомала харажатлари акс эттирилади, шу билан бир вақтда ушбу 9910-«Якуний молиявий натижалар» счётининг кредит томонида маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган даромадлар қайд қилинади ва ушбу 9910 счётининг дебет ва кредит томонлар таққосланиб, якуний молиявий натижа аниқланади:

- агарда сотилган товарларнинг таннарни ва муомала харажатлари олинган даромад суммасидан кам бўлса, фонья олинади.
- агарда сотилган товарларнинг таннарни ва муомала харажатларининг йиғиндиси олинган даромад суммасидан кўп бўлса, зарар кўрилади.

⁴¹ Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замоновий бухгалтерия ҳисоби.- Т.: Ўзбекистон БАМА нашр. 1-П-том. 2002.-122 б.

2.3. Хўжалик субъектларида консигнация муомалалари бўйича хисоблашувлар ҳисоби

Консигнация – (лотинча – consignatio- ёзма далил) комисион савдо-воситачилик шакли бўлиб товар эгаси (консигнантнинг) томонидан маҳсулот сотишда воситачи (консигнатор)га бериш ва унинг омбори орқали учинчи шахсга сотиш хисобланади⁴². Мулкга эгалик ҳуқуқи товар тўла сотилгунга қадар товар жўнтувчи(консигнант) да қолади. Товарни омборида сақлаш, маркетинг фаолияти хусусан реклама қилиш, товарларни упаковкалаш ва бошқалар воситачи (консигнатор) ҳисобига амалга оширилади. Бу жараёнлар консигнация шартномаси орқили томонлар мажбуриятлари тартибга солинади.

Консигнаторни - консигнация савдосини ташкил қилиш топшириғини бажаришни ўз зиммасига олувчи, бироқ товарнинг эгаси ҳисобланмаган шахсни тақдирлаш миқдори ва таркиби консигнация шарномасида сотиладиган товар қийматининг муайян фоизи кўринишида ёки энг кам нарх билан сотиш нархи ўртасидаги фарқ кўринишида берилади.⁴³

Консигнация:

- маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича сақлаш ҳажмлари, сақлаш омиллари (музлатиш, машинада совутиш, табиий шамоллатиш ва ҳоказо) ва сақлаш муддатлари тўғрисида статистика таҳлилини;
- хизматларга қониқарсиз талаб, табиий шамоллатишга эга бўш ҳажмлар йўқлиги, музлатиш хоналари етишмаслиги, машина совутиш сифимлари йўқлиги;
- маҳсулотни сақлашга тайёрлаш учун техника (ювиш, қуритиш, саралаш, маҳсулотни музлатиш, контейнерларга жойлаш, чакана совутгичларга жўнатиш олдидан қадоқлаш ва идишга солиш) йўқлиги учун сақлашга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги маълумотларни йиғишни;

⁴² Бархатов А.П. Бухгалтерский учет внешнеэкономической деятельности. Москва 2007 г. 163 ст.

⁴³ А.Джаванов “Хўжалик субъектларида консигнация муомалалари бўйича хисоблар”; 2013 йил 12мартда ТМИ

- маҳсулот турлари, сақлаш муддатлари, сақлашнинг календар даври юзасидан ҳисоб-китобини;
- сақлашга қўйилган маҳсулотнинг харид нарҳини ва сақлашдан кейинги сотиш нарҳини таъминлашни, кутилаётган даромадларни баҳолашни;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сақлаш учун қабул қилинаётган ҳажмлари, маҳсулот турлари ва уларни етказиб беришнинг календар муддатлари бўйича агентлар билан тузилган шартномаларни тўғрилаб чиқишни;
- хизмат кўрсатишга моддий харажатларнинг натура ва пул кўринишидаги ҳисоб-китобини;
- кутилаётган фойда ҳисоб-китобини ва уни омбор ҳажмлари ва совутиш қувватларини ривожлантиришга, суғурта захираси ва пул жамғармаларига тақсимлашни;
- улгуржи база хизматларига кутилаётган талабга биноан омбор ва совутиш хўжалигини ривожлантиришнинг техник-иқтисодий самарадорлигини белгилашни амалга оширади.

Халқоро амалиётда савдо воситачилик муомалалари уч хил турдаги тегишли шартнома асосида расмийлаштирилади:

1. Комиссион;
2. Агентлик;
3. Топширик.

Амалиётда маҳсулотлар экспорти комиссия шартларида сотиш кенг тарқалган.

Комиссия (консигнация) шартномасига асосан бир томон (консигнатор) воситачи товар эгаси (консигнант) топшириғига асосан комиссия рағбатлантириш ҳисобига ўз номидан лекин товар эгаси ҳисобига савдо фаолиятини олиб боради. Маҳсулот истеъмолчига сотилгунга қадар мулкга эгалик товар эгаси (консигнант) да қолади. Воситачи (консигнатор) сотишга жўнатилган

товарни уз омборида маъсул сақлашга қабул қилади товар эгаси (консигнант) олдида сақланиши учун жавобгар ҳисобланади.

Комиссия (консигнация) шартномасига асосан воситачи(консигнатор)га хизмати учун рағбатлантириш миқдори белгиланади. Агар воситачи (консигнатор) маркетинг хизмати хусусан реклама ва бошқа ҳаракатлар учун харажатлар қилинганда улар шартномага асосан белгиланган комисион рағбатлантириш ҳисобига қопланиши мумкин. Бундан ташқари комиссия (консигнация) шартномасида товарни сотиш баҳоси белгиланади ва шу баҳода сотилиши керак. Бундай ҳолатда воситачи(консигнатор) савдо устамасини қўйи сотиши мумкин ва шу ҳисобига қўшимча даромад шакллантириши мумкин. Бу қўшимча даромад шартномага асосан томонларни келишувига кўра товар эгаси (консигнант) ва воситачи (консигнатор) ўртасида тенг бўлиниши мумкин.

Шарнома бажарилгандан кейин воситачи (консигнатор) товар эгаси (консигнант)га ҳисобот ёки бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот бериши керак

Воситачи (консигнатор) ҳисоботи қуйидаги мажбурий реквизитлардан иборат бўлади:

- ҳужжат номи, номери, санаси ва тиузилган жойи;
- амалга оширилган хўжалик операциясини мазмуни, ўлчови пул ва натурада;
- хўжалик операциясини амалга оширган маъсул шахсларни фамилияси исми шарфи, имзолари.

Ҳисоботда шунингдек ҳисобот даврида сотилган маҳсулотнинг номи баҳоси алоҳида акс эттирилади. Чунки бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиладиган баъзани аниқлаб олиш учун керак бўлади

Консигнация шартномасига асосан жўнатилган товар воситаси(консигнатор) томонидан учинчи шахсга сотилиши мумкин ёки сотилмай қолганда белгиланган нархда воситачи сотиб олиши мумкин.

Халқаро амалиётда консигнация шартларининг икки тури қўлланилади.


1. Томонлар келишувига кўра белгиланган муддат тугаганда товарни сотилиш хажми тугамаганда консигнация муддатини узайтириш, товар нархини тушириш, товарни эгасига (консигнант) қайтариш;

2. Консигнация шартномасига воситаси(консигнатор) ўз зиммасига белгиланган муддатда тўла сотиш мажбуриятини алоҳида рағбатлантириш хисобига олиши бандини киритиш.

Шунингдек консигнация шартномасида тўлов шартлари алоҳида киритилади. Бунда тўловнинг иккита варианты киритилади (Чизма-2.3.1):

Чизма -2.3.1

Халқоро амалиётда консигнация шартномасига киритиладиган тўлов шартлари турлари



Манба: Флейшер К. “Стратегический и конкурентный анализ. Методы и средства конкурентного анализа в бизнесе”. М.: “Бином”, 2005.

1. Товарни эгасига (консигнант) шартномада шундай бахони кўрсатадики товар сотилгандан кейин воситаси(консигнатор) шу баҳода тўлаб бериши керак. Консигнация рағбатлантирилиши сотиш баҳоси билан консигнация баҳоси фарқига белгиланади;

2. Товарни эгаси (консигнант) қатий бахони белгилайди. Бунда воситаси(консигнатор) учинчи шахсга шу бахода сотади. Консигнация рағбати тушимга нисбатан фоизда ёйи қатий белгиланган суммада тўланади.

Консигнация шароитида товарларни сотишда тижорат харажатлари шартномага асоан товарни эгаси (консигнант) ва воситачи(консигнатор) ўртасида тақсимланади.

Бунда халқоро амалиётда тижорат харажатларини тақсимлашни қуйидаги вариантлари қўлланилади:

- харажатлар товарни эгаси (консигнант) томонидан амалга оширилади;
- харажатлар воситачи(консигнатор) томонидан амалга оширилади ва келгусида товар эгаси(консигнант) томонидан консигнация рағбатлантиришдан ташқари қоплаб беради;
- харажатлар воситачи(консигнатор) томонидан амалга оширилади ва консигнация рағбатлантириш суммасига киритилади;
- харажатлар ўзоро келишувга кўра белгиланган миқдорда товарни эгаси (консигнант) ва воситачи(консигнатор) ўртасида тақсимланади

Айрим ҳолларда, айниқса, кейинги вақтларда маҳсулот, иш ва хизматларни экспорт қилиш жараёнида воситачи (даллол) фирмалар актив иштирок қилмоқдалар. Бу даллол фирмалар сотувчи ва истеъмолчиларни бир-бири билан боғлангалиги учун мукофот, яъни ҳақ оладилар.

Бу ишни амалга ошириш учун, аввало, ишлаб чиқарувчи корхона (даллол) истеъмолчини топиб, товар эгаси (комитент)нинг товарини ўз номидан сотади ва бунинг учун товар эгаси (комитент) дан комисион йиғим (рағбатлантириш) хизмат ҳақини олади.

Комиссия шартномасига мувофиқ хориж фирмаси билан шартномани воситачи тузади ва у товарларни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ ишларнинг ҳаммасини бажаради:

- ◆ божхона йиғимлари ва тўловларни тўлайди;

◆ товарларни олиб бориб бериш – транспорт харажатларини ва товарларни сақлаш, юклаш ва тушириш харажатларини ҳам тўлайди.

Чунки бу сарфларни кейинчалик товар эгаси – комитент воситачига (комнссиионерга) қоплайди.

Товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топширик) шартномаси бўйича реализация қилинганда экспортни тасдиқлаш учун комитент (топширик берувчи) томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади⁴⁴:

солиқ тўловчи билан воситачи ёки ишончли вакил ўртасидаги воситачилик шартномаси ёки топширик шартномаси (шартноманинг кўчирма нусхаси);

солиқ тўловчининг топшириғига кўра (воситачилик шартномаси ёки топширик шартномасига мувофиқ) экспортга товарлар етказиб беришни амалга ошираётган шахснинг товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига етказиб бериш учун чет эллик шахс билан тузилган контракти (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);

товарларни экспорт режимида чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларациясининг кўчирма нусхаси.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар белгиланган тартибда текширув ўтказилаётганда назорат қилувчи органларга уларнинг талабига биноан тақдим этилади.

Сотиб бериш учун олинган товарларни воситачи балансдан ташқари 004-«Комиссияга (сотиб беришга) қабул қилинган товарлар» счётида қайд қилади, товар эгаси (комитент) эса 2861-«Экспортга жўнатилган йўлдаги тайёр маҳсулотлар» счётида ҳисобга олади. Воситачи товарни хориждаги истёъмолчига топширгандан кейин 004-«Комиссияга (сотиб беришга) қабул қилинган товарлар» счётидан ҳисобдан чиқаради.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси” Ўзбекистон Республикасининг 25.12.2007 й. ЎРҚ-136-сон қонуни билан тасдиқланган

Сотилган товарлар бўйича олинган даромадлар воситачининг валюта счётига кирим қилинади ва шу куни комитентга хабар бергандан сўнг ушбу суммани комитент ўзининг тегишли счётларида (5210 ёки 5220) акс эттиради.

Агарда товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар комитент томонидан копланса, ушбу муомалалар қуйидаги счётларда акс эттирилади:

Дт 6930-«Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар» счёти

Кт 5110-«Ҳисоблашиш счёти» ёки 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счёти» ва ушбу тўланган суммаларни қуйидаги счётларда қайд қилади:

Дт 9410-«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар»

Кт 6930-«Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар» счёти.

Хориж фирмасидан олган товарлари учун хориж валютаси келиб тушса, воситачи қуйидагича қайд қилади:

Дт 5210 ёки 5220-«Мамлакат ичидаги ва хориждаги валюта счётлари»

Кт 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счётлар».

Воситачидан сарфланган харажатларни тасдиқловчи хужжатлар илова қилган счётни олгандан кейин комитент унга қарздор бўлади ва экспорт контракти бўйича сотишдан ҳисобланган даромадни қайд қилади:

Дт 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»;

Кт 9010-«Маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» счёти:

Дт 9110-«Сотилган маҳсулотларнинг таннари»;

Кт 2871-«Экспортга жўнатилган маҳсулотлар» счётлари қиймати олинганда эса:

Дт 5210 ёки 5220-«Мамлакат ичидаги ва хориждаги валюта счётлари»;

Кт 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счётлар».

Ҳозирги шароитда кўпчилик савдо фирмалари импорт товарларини воситачилик усулида комиссия йиғими (гонорар) олиб сотадилар.

Комиссия шартномасига мувофиқ коммиссионер (даллол) ўз номидан комитент (товар эгаси)нинг товарини сотиб бериш мажбуриятини олади. Сотилган товарлар бўйича тушумлар комитент счётига ўтказилади ва контрактда

келишилган миқдорда товар сотган фирма комитентдан хизмат хақи (гонорар) олади.

Сотишга олинган импорт товарлар савдо фирмасининг мулки ҳисобланмайди ва 004-“Комиссияга олинган товарлар” счётида божхонадан олинган кундаги хориж валютасига нисбатан сўм курсида ҳисобга олиб борилади. Сотилган товарларнинг суммаси ва хориж корхонасининг даромадини аниқлаш учун товарларнинг турлари бўйича аналитик ҳисоб юритилади.

Экспорт ва импорт конграктига мувофиқ кўп ҳолларда товарларнинг сотиш харажатлари:

- божхонадан ўтаётганда тўланадиган қўшилган қиймат ва акциз солиқлари;
- божхона тўловлари ва йиғимлари;
- товарларнинг транспорт харажатлари (юклаш, ташиш ва тушириш);
- омборхоналарда сақлаш харажатлари;
- товарларнинг реклама харажатлари;
- муомала харажатлари ва ҳоказолардан ташкил топади.

Ушбу харажатлар товарнинг эгаси – комитент томонидан қопланади. Яъни ушбу сарфлар комиссияга олувчи (даллол) томонидан амалга оширилиб, товарларни сотишдан тушган маблағлар ҳисобига қопланади ва олинган даромаддан коммиссионерга тўланадиган ҳақ – гонорар суммаси чегирилиб, қолган қисми товар эгасига тўланади.

Комиссия шартномалари муомалаларини ҳисобга олиш учун 6990-“Кредиторларга тўланадиган бошқа мажбуриятлар”, 9020-“Товарларни сотишдан олинган даромадлар” ва 9410-“Муомала сарфлари” счётлари қўлланилади.

Товарларни сотиб берувчилар (даллол) билан комитент ўртасидаги ҳисоблашишларни тўлиқ ва тезкор олиб бориш ва назоратни кучайтириш мақсадида 6990 счётда 6991-“Комитентларга тўланадиган мажбуриятлар” счётини очиш ва унда ҳар бир комитент учун алоҳида аналитик счёт юритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аналитик счётнинг кейинги номери экспорт-импорт

контрактининг номери омит бир хил бўлиши лозим. Масалан, контракт № А-187, демак аналитик счёт шифри ҳам 6891-А-187 бўлиши керак.

Ушбу таклиф бўйича комиссия савдосидаги содир бўлган муомалалар счётларда қуйидагича акс эттирилади:

1. комиссияга олинган товарлар сотилиб, ҳисобланган даромад ҳисоблашиш счётига тушди:

Дт 5110 – «Ҳисоблашиш счёти»;

Кт 6991 – А-187 «Комитентга тўланадиган мажбуриятлар» счёти.

2. товарларни сотиш учун харажат қилинди:

Дт 6991 – А-187» Комитентга тўланадиган мажбуриятлар» счёти;

Кт 5010, 5110, 2320, 9410 - харажатларнинг турлари бўйича.

3. сотилган товарлар бўйича қўшилган қиймат ва акциз солиғи ҳисобланди:

Дт 6991 – А-187-«Комитентга тўланадиган мажбуриятлар» счёти;

Кт 6410 – «Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар» счёти.

Хориж фирмаларига қўшилган қиймат солиғи чегирилган ҳолда товарнинг қиймати тўланади, агарда улар қўшилган қиймат солиғини тўловчи шахслар ҳисобланса, у ҳолда товарнинг қийматига ҚҚС суммаси қўшилади ва комитент бюджетга ҚҚС- ва акциз ҳисобламайди, яъни комитентнинг ҳисобида солиқ муомаласи қайд қилинмайди.

4. комисион даромад ҳисобланди:

Дт 6991 – А-187-«Комитентга тўланадиган мажбуриятлар» счёти;

Кт 9020 – «Товарларни сотишдан олинган даромадлар».

5. комитентга сотилган товарлар қиймати тўланди:

Дт 6991 – А-187-«Комитентга тўланадиган мажбуриятлар»;

Кт 5210 – «Мамлакат ичидаги валюта счёти».

6. олинган даромад - гонорар комиссионернинг (даллолнинг) молиявий натижалар счётига олиб борилади:

Дт 9020 – Товарларни сотишдан олинган даромадлар» счёти;

Кт 9910-«Якуний молиявий натижалар» счёти.

Консигнация муомалалари бўйича солиқлар ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

- Консигнация товарининг келиб тушиш пайтида ҳисобланган ва тўланган ҚҚС суммасига:

Д-т 4410 – «Солиқ бўйича бўнак тўловлари»

К-т 6410 – «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Д-т 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

К-т 5110 – «Ҳисоб-китоб счёти»

- Божхона божлари ва акциз солиғини ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш:

Д-т 9430 – «Бошқа операцион харажатлар»

К-т 6410 – «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Д-т 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

К-т 5110 - «Ҳисоб-китоб счёти»

Товарларни шартномавий баҳода сотиш:

Д-т 4010 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»

К-т 9020 – «Товарларни сотишдан олинган даромад».

- Товар инвойси ва БЮД бўйича консигнант даромади ва консигнант даромади қийматига (агар бу шарнома шартларида кўзда тутилган бўлса) сотиш кунигача бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича:

Д-т 9120 – «Сотилган товарлар таннари»

К-т 6990 – «Бошқа мажбуриятлар»

Бир вақтнинг ўзида 004 – «Комиссияга қабул қилинган товарлар» ҳисобварақидан консигнация товари қиймати ҳисобдан чиқарилади.

- Товари сотишдан тушган тушумни кирим қилиш:

Д-т 5110 – «Ҳисоб-китоб счёти»

К-т 4010 – «Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар»

- Консигнаторнинг ялпи даромади суммасига:

Д-т 9020 – «Товарларни сотишдан олинган даромад»

К-т 9900 – «Якуний молиявий натижа».

- Сотиш ҳажмига ҳисобланган ҚҚС суммасига:

Д-т 4010 - «Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар»

К-т 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

- Божхонада аввал тўланган ҚҚСни ҳисобга олиш:

Д-т 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

К-т 4410 – «Солиқ бўйича бўнак тўловлари»

- Бюджетга тўланган ҚҚС суммасига:

Д-т 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

К-т 5110 – «Ҳисоб-китоб счёти»

- Давр харажатларини ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9900 – «Якуний молиявий натижа»

К-т 9430 – «Бошқа операцион харажатлар» киради.

2. Ялпи даромад ва ягона солиқ тўловчилар

- ҚҚС, божхона божлари ва акциз солиғини ҳисоблаб ёзиш ва тўлашга:

Д-т 9430 – «Бошқа операцион харажатлар»

К-т 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Д-т 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

К-т 5110 – «Ҳисоб-китоб счёти»

- Товарни сотишдан тушган ялпи тушумнинг келиб тушиши:

Д-т 5110 – «Ҳисоб-китоб счёти»

К-т 4010 - «Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар».

Консигнатор комиссияси суммаси билан биргаликда консигнация товари қийматига:

Д-т 4010 - «Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар»

К-т 9020 – «Товарларни сотишдан олинган даромад».

Сотиш санасигача бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий курси бўйича консигнант даромади суммасига ва БЮД бўйича консигнация товарининг қийматига:

Д-т 9120 – «Сотилган товарлар таннархи»

К-т 6990 – «Бошқа мажбуриятлар».

Бир вақтнинг ўзида 004 – «Комиссияга қабул қилинган товарлар» ҳисобварағидан консигнация товари қиймати ҳисобдан чиқарилади.⁴⁵

- Консигнаторнинг ялпи даромади суммасига:

Д-т 9020 – «Товарларни сотишдан олинган даромад»

К-т 9900 – «Якуний молиявий натижа».

- Ялпи даромад солиғи ҳисоблаб ёзилган ва тўланган:

Д-т 9810 – «Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар»

К-т 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Д-т 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

К-т 5110 – «Ҳисоб-китоб счёти»

- Давр харажатларини ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9900 – «Якуний молиявий натижа»

К-т 9430 – «Бошқа операцион харажатлар»

Хулоса қилиб айтганда, бухгалтерия ҳисобида консигнация муомалаларини акс эттиришда уларнинг солиққа тортилиши муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ушбу турдаги муомалаларнинг халқ хўжалиги барча тизимларида кенг қулоч ёзиб бораётганлигини инобатга оладиган бўлсак, консигнация муомалаларини амалга оширувчи субъектлар даромадидан солиқларнинг ундирилиши бухгалтерия ҳисобида юқорида келтирилганидек акс эттирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

⁴⁵ Вакуленко Л.Ф. Анализ бухгалтерской (финансовой) отчетности для принятия управленческих решений-СПб:изд.торг.дом. «Герда», 2011.-160 с.

3- боб Экспорт ва импорт операцияларини ташқи иқтисодий фаолиятлари бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини такомиллаштириш

3.1. Ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоблашувлар таҳлили

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари таҳлили иқтисодий таҳлилнинг муҳим бўлими сифатида алоҳида ўрганилади. Ташқи иқтисодий фаолиятда таҳлилни аввало бошқарувнинг ва ҳаракатнинг муҳим шарти сифатида ўтказилади. Таҳлил этиш асосида корхонанинг ташқи иқтисодий фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий шакллари, маҳсулот иш ва хизматларни экспорти ва импорти ўзгаришлари, унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга, товарлар экспорти ва импортининг тузилишига, товарларни кредит шартларида сотиш ва сотиб олиш, экспорт ва импорт операцияларидан даромадлар ва харажатлар ўзгаришига баҳо бериш, фойда ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, корхона ташқи савдо оборотини ўстириш юзасидан корхонада мавжуд бўлган ички имкониятлар ва уларни йўлга қўйиш чора тадбирларини белгилаб бериш, ҳамкорликни йўлга қўйишнинг техник лойиҳаларини тузиб чиқиш ва йўлга қўйиш, корхона ташқи иқтисодий фаолиятига қисқача ташхис қўйиш ва шарҳлар бериш ташқи иқтисодий фаолият таҳлили мазмунини ташкил этади.

Таққосланувчи муҳим кўрсаткичлар сифатида албатта умумлашган ҳолда қуйидаги иккита кўрсаткич олинади.

1. Экспорт ҳажми

2. Импорт ҳажми

Экспорт операциялари таҳлили бўйича ташқи савдо обороти бўйича сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажми ва уларнинг режага ёки ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига баҳо берилади. Муҳим аҳамият экспорт ҳажмининг таркибига қаратилади.

Экспорт ҳажми ва унинг ўзгаришининг омилли таҳлил этиш таҳлилнинг муҳим қатори сифатида қаралади. Бунда экспорт ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи миқдор ва сифат омиллар ўрганилади.

Микдор омил сифатида микдорий ифодага эга бўлган кўрсаткич олинади. Сифат омили сифатида корхонанинг муҳим иқтисодий самарадорлигини характерловчи кўрсаткичларнинг ўзгариши олинади.

Импорт операциялари таҳлилида импорт ҳажми бўйича режа бажарилиши ва динамикаси, таркиби, тузилиши, импорт операцияларидан даромадлар ва харажатлар, импорт операциялари фойдалилиги, импорт ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлиliga баҳо берилади.

Импорт ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар сифатида импорт қилинган товарлар микдорий ҳажмининг ўзгариш, ҳамда импорт қилинган товарлар баҳосининг ўзгаришини киритиш мумкин.

Кредитга олинган товарлар ва уларнинг ялпи импорт ҳажмидаги салмоғига баҳо беришга ҳам таҳлилда муҳим эътибор берилади.

Экспорт операциялари таҳлили корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти ва унинг самарадорлиги кўрсаткичларига иқтисодий ташхис қўйилади. Бу бевосита ташқи савдо обороти ҳажмини ўстириш ва фойдалилигини таъминлашнинг мавжуд ички имкониятларини ўрганишни ҳам ўз ичига олади.⁴⁶

Экспорт операцияларини таркибини ўрганишда ялпи экспорт ҳажмида алоҳида олинган товарлар ёки товарлар гуруҳининг мутлоқ ва нисбий даражаларига баҳо берилади. Шунингдек, ташқи савдо фаолияти бўйича сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар тури бўйича тақсими, ташқи савдонинг мамлакатлар бўйича сотиш ҳажми, ҳудудлар бўйича тақсими (мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари, яқин шарқ мамлакатлари, Европа мамлакатлари ва ҳ.к.) баҳо берилади. Ташқи савдо обороти бўйича режа-топшириқларнинг бажарилишига аҳамият берилади. Шунингдек, ташқи савдо обороти динамик ўзгаришлар эътиборга олинади.

Ташқи савдо обороти динамикаси деганда, унинг йиллар бўйича ўзгариш даражалари тушунилади. Таҳлилда, шунингдек. Экспорт ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таркибига бевосита ҳисоб-китоб қилинадиган,

⁴⁶ Ваҳобов, А.Т.Иброҳимов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили. –Т.:Шарқ, 2005. 366-б.

сотилган товарлар, ишлар ва хизмат баҳосининг ўзгариши ва физик ҳажмининг ўзгаришлари киритилади.

Товарлар, иш ва хизматлар экспорти самарадорлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади⁴⁷.

$$\mathcal{E}_{\text{эксп}} = O_{\text{вф}} + B_{\text{р}} - \mathcal{Z}_{\text{эксп}}$$

Бу ерда

$\mathcal{E}_{\text{экс}}$ – Экспорт кўрсаткичларини иқтисодий самарадорлиги.

$O_{\text{вф}}$ – Корхона валюта жамғармасига ажратма сўм эквивалентида (валюта тушимидан белгиланган тартибда давлатга мажбурий сотиладиган қисмини айриган холда) тушум қунидаги курс бўйича.

$B_{\text{р}}$ – Валютани давлатга мажбурий сотиладиган қисмидан сўм тушими.

$\mathcal{Z}_{\text{экс}}$ – Корхонани экспорт бўйича жами харажатлари (махсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари)

Экспорт операцияларидан олинадиган фойда суммасининг ошиши биринчидан, корхона иқтисодий ривожига таъсир этса, иккинчи тамондан, мамлакат валюта резервининг шаклланиши ва унинг ортишига имкон беради. Корхонада валюта тушумларининг ортиши эса эркин иқтисодий ҳаракатда бўлиш ва чет эл билан алоқаларни ривожланишда муҳим молиявий таянч бўлади.

Хўжалик субъектларида экспортнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича аниқланади:

$$\mathcal{E}_{\text{экс}} = \frac{O_{\text{вф}} + B_{\text{р}}}{\mathcal{Z}_{\text{экс}}}$$

Экспортнинг самарадорлигини иқтисодий маноси шуни англатадики харажатнинг ҳар сўми ҳисобига тушим миқдори тўғри келиши аниқланади. Экспортнинг иқтисодий самарадорлиги харажатнинг ҳар бир сўми ҳисобига қанча тушум амалга оширилганлигини кўрсатади.

⁴⁷ Шагиясов Т.С., Сагдуллаева З.А., Файзиев Б.З. Финансовой, управленческой анализ. Ташкент 2008 г. 317 с.

Экспорт операциялари таҳлилида экспорт ҳажмидан олинган натижа ва унинг рентабеллигига муҳим эътибор берилади. Буни қуйидаги боғланишлар асосида аниқлашимиз мумкин.

Жадвал-3.1.1.

**УП“НЕФТЕГАЗМАХСУСҚУРИЛИШ” ОАО “Тошнефтегазқурилиш”
да экспорт операцияларидан олинган фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир
этувчи омиллар таҳлили***

Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	Фарқи
1	2	3	4
Маҳсулот. иш ва хизматлар экспортидан олинган тушум. минг сум ҳисобида	11988	12076	+ 88
Экспорт қилинган маҳсулот. иш ва хизматлар таннарни. минг сум ҳисобида	10151	10311	+ 160
Экспорт ҳажмидан олинган фойда. минг сумда	1837	1765	-72
Рентабеллик даражаси. %	18.1	17.1	-1

*Корхона ҳисоб-китоблари ва ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган

Тадқиқотимиз объекти бўлган **УП“НЕФТЕГАЗМАХСУСҚУРИЛИШ” ОАО “Тошнефтегазқурилиш”** газ қувурларини транзит трубаларини йўлларида таъмирлаш бўйича Россия, Украина, Қозоғистон, Хитой ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари тендерларида қатнашиб ютиб чиқиб таъмирлаш хизматлари кўрсатмоқда. Асосан экспорт хизматлари кўрсатади. Жадвал маълумотларига кўра корхонада экспорт ҳажмидан олинган фойда суммаси ўтган йилга нисбатан 72000 минг сўмга камайган. Бу ўзгариш бевосита экспорт ҳажмининг ёки олинган даромадлар суммасининг ўзгариши ҳисобига ҳамда экспорт қилинган маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш таннарининг ўзгариши ҳисобига рўй берган. Буни қуйидаги боғланишлар орқали топишимиз мумкин.

Юқоридаги формулалар ёрдамида экспортнинг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил этамиз.

1) 2011 йилда

$$\mathcal{E}_{\text{эксп}} = 5994 + 5994 - 10151 = 1837 \text{ минг сўм}$$

2) 2010 йилда

$$\mathcal{E}_{\text{эксп}} = 6038 + 6038 - 10311 = 1765 \text{ минг сўм}$$

Корхонада экспортнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича бўлган

А) 2011 йилда

$$\mathcal{E}_{\text{экс}} = \frac{11988}{10151} = 1.18 \text{ минг сўм}$$

Демак корхона хар сўм харажат ҳисобига 1180 сўм тушумни шакллантирган

Б) 2012 йилда

$$\mathcal{E}_{\text{экс}} = \frac{12076}{10311} = 1.17 \text{ минг сўм}$$

Бунда корхона хар бир сўм харажат ҳисобига 1170 сўм тушумни шакллантирган.

Агарда, корхона экспорт операциясидан ўтган йил маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш таннархида жорий давр тушумларига ёки даромадларига эга бўла олганда корхона қўшимча қанча фойдага эга бўлиши мумкин эди.

Буни қуйидагича аниқлаш мумкин. Яъни, маҳсулот, иш ва хизматлар жорий давр экспортидан олинган даромад суммасидан уларнинг ўтган давр бўйича ишлаб чиқариш таннархи чегирилган ҳолда.

$$12076 - 10151 = 1925 \text{ минг сўм.}$$

Демак, корхона бу ҳолатда қўшимча 1925 минг сўмлик фойдага эга бўлар эди.

1. Экспорт ҳажмининг ўзгариши ҳисобига олинган фойда суммаси:

$$1925 - 1837 = +88 \text{ минг сўм.}$$

2. Экспорт қилинган маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши ҳисобига ўзгариши:

$$1765-1925=-168 \text{ минг сум}$$

Корхонада маҳсулот экспорти бўйича фойдалилик, яъни, рентабеллик даражаси 1 фоизга камайган. Бу ўзгаришни ҳам юқоридаги боғланишда аниқлаш мумкин.

$$\text{Шартли рентабеллик} = 1765 / 11988 * 100 = 14.7 \%$$

$$1. \text{ Фойда суммасининг рентабелликка таъсири: } 14.7 - 18.1 = -3.4\%$$

$$2. \text{ Тушум суммасининг рентабелликка таъсири: } 17.1 - 14.7 = +2.4 \%$$

Ҳар иккала омил таъсирида экспорт ҳажми рентабеллиги 1 % га камайган (-3.4+2.4).

Импорт операциялари таҳлилида импорт ҳажмининг режа ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига ва таркибига, шунингдек, ҳудудлар ва мамлакатлар бўйича ҳажмига баҳо берилади.

Импорт ҳажми бўйича режа бажарилиши ва динамикаси мутлоқ ва нисбий ўзгаришларда ўрганилади. Унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар аниқланади ва баҳоланади.

Импорт ҳажми билан экспорт ҳажми орасидаги нисбат таҳлилнинг муҳим қатори ҳисобланади. Улар орасидаги нисбат баланси орқали мамлакат ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулотлари аниқланади. Яъни ялпи миллий маҳсулот ҳажмини аниқлашда ташқи савдо оборот бўйича мутлоқ фарқланиш қўшилган чегирилган ҳолда умумий кўрсаткич аниқланади.

Импорт ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга таҳлилда алоҳида аҳамият қаратилади. Хўжалик субъектида ички эҳтиёжлар учун импортнинг самарадорлиги қуйидагича аниқланади.

$$\mathcal{E}_{\text{имп}} = \mathcal{Z}_{\text{и}} - \mathcal{ЦП}_{\text{имп}}$$

Бу ерда $\mathcal{Z}_{\text{и}}$ - импорт маҳсулотини қабул қилиш бўйича барча харажатлар суммаси.

$$\mathcal{Z}_{\text{и}} = \mathcal{Ц}_{\text{пв}} + \mathcal{E}_{\text{рв}}$$

ЦП_{имп}-Импорт товари баҳоси.

$$\text{ЦП}_{\text{имп}} = \text{Ц}_{\text{пв}} + \text{Э}_{\text{рв}}$$

Ц_{пв} – Сотиб олиш баҳоси

Э_{рв} – барча харажатлар

Тадқиқотимиз объекти бўйича экспорт ва импорт операциялари натижасида юзага келган мажбуриятлар таркибини қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин

Жадвал-3.1.1.

**УП“НЕФТЕГАЗМАХСУСҚУРИЛИШ” ОАО “Тошнефтегазқурилиш” да
мажбуриятлар динамикаси таҳлили***

№	Кўрсаткичлар номи	2011 йил		2012 йил		Фарқи	
		минг сўм	%	минг сўм	%	мутлоқ	нисбий
Дебиторлик мажбуриятлари							
	Республика ичидаги қарзлар	5231639	93,5	7026525	99,3	1794886	134,3
	Республика ташқарисидаги қарзлар	365662	6,5	52922	0,7	-312740	14,5
	Жами	5597301	100	7079447	100	1482146	126,5
Кредиторлик мажбуриятлар							
	Республика ичидаги қарзлар	3510468	98,7	5564145	91,9	2053677	158,5
	Республика ташқарисидаги қарзлар	47555	1,3	492028	8,1	444473	1034,7
	Жами	3558023	100	6056173	100	2498150	170,2

*Корхона ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики дебиторлик мажбуриятлар таркибида ташқи қарзлар кейинги йилларда камайган. Яъни ўтган йилга нисбатан 85.5 фоизга камайган. Кредиторлик мажбуриятлар таркибини таҳлил қилганимизда ташқи қарзлар ортиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, корхонанинг олиб бораётган экспорт ва импорт операцияларидан олинган фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили деб қаралади. Лекин корхонанинг камчилиги шундаги, ички қарзга қараганда ташқи қарзи кўпайиб кетган.

3.2. Хўжалик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини такомиллаштириш

Жаҳон молиявий инқироз шароитида ташқи савдо операцияларни, яъни ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш жаҳон бозорининг актив иштирокчиси ҳамда субъектнинг бош мақсадидир. Бу бевосита корхона, фирма маҳсулотларининг жаҳон бозорига чиқиши ва уни банд этиши, ўз харидорини топишида корхона истикболини белгилаши, фаолияти натижавийлигини ўстиришнинг муҳим омили сифатида қаралади. Ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларда экспорт-импорт операциялари ҳисоблашув муомалалари ҳисобини юритишда қатор ноаниқликлар мавжуд ва уларни ҳал этиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ҳисоб-таҳлилий системанинг асосий элементи ҳисобланган ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобини юритиш тамойилларини шакллантириши лозим. Амалиётда экспорт-импорт операциялари билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ва солиқ ҳисоби учун ҳисоб сиёсати талаб даражасида услубий манба сифатида шаклланмаган. Хусусан, ҳисоб сиёсати буйруқларида экспорт ва импорт товарлари қийматини шакллантириш ҳамда ҳисобдан чиқариш тамойиллари очиб берилмайди. Кўп ҳолларда фақат товарларни мавжуд БҲМСларга таянган ҳолда ҳисобдан чиқариш кўрсатилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб сиёсати ҳисоб жараёнининг – услубий, техник ва ташкилий жиҳатларини ўз ичига олади. Услубий қисмида хўжалик субъектларининг активлар ва мажбуриятларини баҳолаш усулларини, турли активлар бўйича амортизация ҳисоблаш усулларини қўллаш ва бошқалар кўрсатилади. Техник қисмида синтетик ва аналитик ҳисоб счётлари асосида юқоридаги усулларни ҳисоб регистрларида қандай амалга оширилиши кўрсатилади. Ташкилий қисмида корхонада бухгалтерия хизматини ташкил қилиш

шакли ва унинг бошқа структуравий бўлинмалар ҳамда ишлаб чиқариш, молиявий хизматлари ўртасида ўзаро муносабатлари кўрсатилади.

Агарда хўжалик юритувчи субъектларда ташкилий ва услубий қисмларини шаблон асосида шакллантирилса, мос равишда техник қисми ҳам стандарт кўринишга эга бўлади. Хисоб сиёсатида ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишни алоҳида акс эттирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Кўп ҳолларда, ташқи савдо шартномалари бўйича экспортёр учун маҳсулотни (товарни) юбориш (ортиб юбориш) билан эгалик ҳуқуқини сотувчига ўтиш вақти тўғри келмайди. Шунинг учун, юборилган (ортиб юборилган) товар моддий захиралари 2970 “Йўлдаги товарлар” счётида акс эттирилиб, экспортёр балансида туриши лозим.

Экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг (товарлар) етказиб берилиши савдо инвойси (счёт-фактура), халқаро транспорт ҳужжатлари, божхона юк декларацияси ва бошқа ҳужжатлар билан ҳужжатлаштирилади. Бунда экспортёр мулкни харидорга бериши (ортиб юбориш) суммасига:

Дебет 2970 “Йўлдаги товарлар” счёти

Кредит 2910 “Омбордаги товарлар” счёти ёки 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулот” счёти

каби бухгалтерия ёзуви ўтказилади.

Маҳсулотни экспортга тўғридан-тўғри етказиб беришда ортиб юборилган мулкнинг ҳозирги даврдаги жойлашган жойини бухгалтерияда акс эттириш мумкин эмас. Юк етказиб бериш бўйича давлатлараро келишувга эга бўлмаган давлатларга маҳсулотлар (товарлар) экспорт қилишда сотувчи уларни бутун етказиб бериш йўлидаги жойлашган жойини назорат қилиш учун 2970 счёти таркибида қуйидаги алоҳида аналитик счётларни очиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- “Йўлдаги экспорт қилинган товарлар Ўзбекистонда”;
- “Экспорт қилинган товарлар Ўзбекистондаги божхона омборларида”;
- “Экспорт қилинган товарлар хориждаги омборларда”;

- “Йўлдаги экспорт қилинган товарлар хорижда”.

Товарларни сотиб берувчилар воситачи (даллол) билан товар эгаси ўртасидаги ҳисоблашишларни тўлиқ ва тезкор олиб бориш ва назоратни кучайтириш мақсадида 6990 счётада 6991-“Комитентларга тўланадиган мажбуриятлар” счётини очиш ва унда ҳар бир комитент учун алоҳида аналитик счёта юритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аналитик счётанинг кейинги номери экспорт-импорт контрактининг номери омит бир хил бўлиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларда ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари учун ишчи счёталар режаси шакллантирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу йўсинда ҳисобни ташкил қилиш корхонада мажбуриятлар бўйича аналитик ҳисобнинг юқори даражада ташкил қилинганлигидан далолат беради.

Умуман айтганда ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Хўжалик субъектларида ҳисоб юритишнинг ташкилий, техник, услубий жихатларини мужассасамлаштирган ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ҳисоблашув муомалаларини акс эттириш учун ишчи счёталар режасида мажбуриятлар ҳисоби бўйича алоҳида счёталарни шакллантириш;
2. Ташқи иқтисодий фаолият бўйича консигнация муомалалари ҳисобини юритишни базавий тамойилларни умумлаштирувчи алоҳида Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини тасдиқлаш ва жорий этиш;
3. Хўжалик субъектида ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалаларини ўз вақтида бухгалтерия хужжатларида тўғри акс эттириш;
4. Ҳисоблашув муомалалари бўйича юзага келган мажбуриятларни ўз вақтида тугатилишини таъминлаш;
5. Ҳисоблашув муомалаларини чет эл валютаси курси бўйича тўғри акс эттириш;
6. Ташқи иқтисодий фаолиятда ҳисоблашув муомалалари бўйича асосланган бухгалтерия ахборотларини шакллантириш ва бошқалар.

Хулоса ва таклифлар

Ушбу магистирлик диссертациясида, иқтисодий янада ривожлантириш йўлида хўжалик субъектларида ташқи иқтисодий фаолиятни бўйича экспорт фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш иқтисодий ҳаракатда асосий йўналишлардан бири сифатида олинади. Негаки, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ва жаҳон бозорининг актив иштирокчисига айланиш корхоналар фаолиятининг муҳим ва самарали йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамалакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришни ташқи иқтисодий фаолиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида фаолиятнинг турли соҳаларида хориж билан алоқада ва ҳамкорликда бўлишни, маҳсулот, иш ва хизматлар бўйича жаҳон бозори аренасига чиқиш ва унда муқим ўрин эгаллашнинг имкон шартларини белгилаб олишни талаб этади.

Ушбу диссертация ишида жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида хўжалик субъектларида ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишни амалдаги ҳолатини ва такомиллаштириш заруриятини ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келдик.

1. Иқтисодий молиявий барқарорлаштириш шароитида экспорт-импорт операцияларни, яъни ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш жаҳон бозорининг актив иштирокчиси ҳамда субъектнинг бош мақсадидир. Бу бевосита корхона, фирма маҳсулотларининг жаҳон бозорига чиқиши ва уни банд этиши, ўз харидорини топишида корхона истикболини белгилаши, фаолияти натижавийлигини ўстиришнинг муҳим омили сифатида қаралади.

2. Хориж фирмалари билан ҳисоблашишни амалга ошираётганда ҳисоблашиш турлари ва мол етказиб бериш шартларига амал қилинади. Хориждаги фирмалар билан ҳисоблашишнинг қуйидаги шакллари амалга оширилади:

- аккредитив усули билан ҳисоблашишлар;
- тижорат кредити билан ҳисоблашишлар;
- ўтказиш васиқа (вексел)лари (тратта) ёрдамида ҳисоблашишлар;

- очик счѐтлар билан ҳисоблашишлар.

3. Хўжалик субъектларида ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этишнинг мақсади бу фойдаланувчиларни корхона ташқи иқтисодий фаолиятида юзага келадиган ҳисоблашувлар бўйича асосланган бухгалтерия ахборотлари билан таъминлашдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун бухгалтерия ҳисоби олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

- экспорт-импорт операцияларида юзага келадиган ҳисоблашув муомалаларини ўз вақтида бухгалтерия хужжатларида акс эттириш;
- экспорт-импорт операциялари ва улар бўйича чет эл валютасида ифодаланган ҳисоблашувлар синтетик ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг алоҳида субсчѐтларида юритиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятда чет эл валютасида ифодаланган ҳисоблашувлар ҳисобини ҳисоботларда акс эттириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятда ҳисоблашувлар бўйича юзага келган чет эл валютасида ифодаланган ҳисоблашувлар ҳақида маълумотларни алоҳида акс эттириш;
- ҳисоблашув жараёнида чет эл валютасида ифодаланган ҳисоблашувлар ҳисоби бўйича курс фарқларини акс эттириш;
- экспорт-импорт операциялари ва улар бўйича чет эл валютасида ифодаланган ҳисоблашувларда мажбуриятларни бухгалтерия счѐтларида ўз вақтида тўғри акс эттириш;
- хўжалик субъекти ташқи иқтисодий фаолиятида ҳисоблашув муомалалари ҳисоби бўйича асосланган бухгалтерия ахборотларини шакллантириш ва бошқалар.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалалари ҳисобини такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Хўжалик субъектларида ҳисоб юритишнинг ташкилий, техник, услубий жихатларини мужассасамлаштирган ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ҳисоблашув муомалаларини акс эттириш учун ишчи счѐтлар режасида

мажбуриятлар ҳисоби бўйича алоҳида счетларни шакллантириш;

- Ташқи иқтисодий фаолият бўйича консигнация муомалалари ҳисобини юритишни базавий тамойилларни умумлаштирувчи алоҳида Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини тасдиқлаш ва жорий этиш;

- Хўжалик субъектида ташқи иқтисодий фаолият бўйича ҳисоблашув муомалаларини ўз вақтида бухгалтерия хужжатларида тўғри акс эттириш бўйича хужжатлар айнаниши графигини тасдиқлаб олиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1.1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 46 б.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: NORMA, 2010. – 511 б.

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. / Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари. – Т.: Адолат, 2000. - 687 б.

1.1.4. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2011 йил қайта нашрда чоп этилган.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар:

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 февралдаги 54-сон қарори (кейинги ўзгаришлар билан бирга) «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом.

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» 2011 йиллар

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи: «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида».

1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 6 майдаги 45-сонли буйруғи: «Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг 7-иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

1.2.5. “Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида” Низом (ЎЗР АВ

14.04.2005 й. 1469-сон билан рўйхатга олинган ЎзР ИНКИК 16.03.2005 й. ГС-05/0271/1-сон Қарори).

1.2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги “2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози тўғрисида”ги ПҚ № 1449-сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг хабарномаси

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари:

1.3.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. - Т.: «Ўзбекистон», 1992. - 78 б.

1.3.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. - 269 б.

1.3.3. Каримов И.А. «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз». // Халқ сўзи 2002 йил 15 февраль.

1.3.4. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида / Тузувчи Ф.М. Муллажонов. – Т.: «O‘zbekiston» НМИУ, 2005. - 528 б.

1.3.5. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: “ Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 б.

1.3.6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.

1.3.7. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2010.73 б.

1.3.8. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”.- Т.: 2011.

1.3.9. Президент И.Каримовнинг Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётининг юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган ЎзР ВМдаги маърузаси. Ўзбекистон овози газетаси. 2013 йил.

4. Китоб ва туркум нашрлари

4.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар

тўплами:

4.1.1. Абдуллаев Ё. ва бошқ. Иқтисодий таҳлил.-Т.: Мехнат. 2001.-452 б.

4.1.2. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.-Т.: Молия. 2003.-224

4.1.3. Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Т.; ТМИ босмахонаси. 2004 й.

4.1.4. Вакуленко Л.Ф. Анализ бухгалтерской (финансовой) отчетности для принятия управленческих решений-СПб:изд.торг.дом. «Герда», 2011.-160 с.

4.1.5. Ваҳобов. А.В., Иброҳимов А.Т.,Ишонкулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик.-Т.: Шарқ. 2005.- 480 б.

4.1.6. Ибрагимов А. Молиявий таҳлил. - Т.: Мехнат. Қайта нашр,2010.-59 б.

4.1.7. Ибрагимов А.Т., Рахимов М.Ю. Бошқарув таҳлили. Т.; ТМИ босмахонаси. 2004 й.

4.1.8. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Шарқ. 2004.-592 б.

4.1.9. Пардаев А.Х.,Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008й.

4.1.10. Пардаев М.Қ. Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 1-2 қисм.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2001.-256 б.

4.1.11.Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.-Сам.: Зарафшон 2001.-272 б.

4.1.12. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х., Пардаев И.Р., Исроилов Ж.И. Бошқарув таҳлили. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. - 69 б.

4.1.13. Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.- Т.: Ўзбекистон БАМА нашр. 1-П-том. 2002.-122 б.

- 4.1.14. Селезнева И.Н., Ионова А.Ф. Финансовый анализ: Учебное пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. - 479 с.
- 4.1.15. Савицкая Г.В. "Анализ хозяйственной деятельности предприятий". И.П. "Финанс", 2003.
- 4.1.16. Савицкая Г.В. "Анализ производственно-финансовой деятельности сельскохозяйственных предприятий". М.: "Инфра-М", 2003.
- 4.1.17. Савицкая Г.В. "Теория анализа хозяйственной деятельности". М.: "Инфра-М", 2006.
- 4.1.18. Флейшер К. "Стратегический и конкурентный анализ. Методы и средства конкурентного анализа в бизнесе". М.: "Бином", 2005.
- 4.1.19. Маркарьян Э.А., Герасименко Г.П., Маркарьян С.Э. "Финансовый анализ". Издания четвертое М.: "ИД ФБК-Пресс", 2003.
- 4.1.20. Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н. "Финансовый анализ". М.: "Проспект", 2006.
- 4.1.21. Солиқа оид қонун ҳужжатларидаги янгиликлар. . – Т.: "Норма", 2010. – 512 б.
- 4.1.22. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш. -Т.: «Молия». 2003 й.
- 4.1.23. Шагиясов Т.Ш. и другие. Финансовый и управленческий анализ. /Учебник. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. -352 с.
- 4.1.24. Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. -220 б.
- 4.1.25. Чуев Й.Н., Чуева Л.Н. "Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности". М.: "Дашков и Ко", 2006.
- 4.1.26. Ортиқов Х., Югай Л., Тухсанов Ҳ., Хужабеков Н. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига шарҳлар тўплами. Тошкент "NORMA" 2010.
- 4.1.27. Ҳамдамов Б. ва бошқ. "Молиявий ҳисобот", Тошкент. "Иқтисод-молия", 2008

- 4.1.28. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н. “Молиявий ва бошқарув ҳисоби”. Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2008
- 4.1.39. Сотволдиев А.С. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ. 2007
- 4.1.30. Ортиқов Х., Югай Л., Тухсанов Х., Хужабеков Н. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига шарҳлар тўплами. Тошкент “NORMA” 2010.
- 4.1.31. Ғуломова Ф.Ғ. “Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма”. Тошкент: NORMA, 2009 йил
- 4.1.32. Гадоев Э. ва бошқ. Йиллик ҳисобот-2008. Тошкент: NORMA, 2009
- 4.1.33. Астахов В.П. Бухгалтерский учет и валютный контроль во внешнеэкономической деятельности. Серия «Учебники, учебные пособия». Ростов н/Д: Феникс, 2002.
- 4.1.34. Бархатов А.П. Бухгалтерский учет внешнеэкономической деятельности. Москва 2007 г. 163 ст.
- 4.1.35. Бобожонов О. Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. -Т.: Молия, 2002. 658 б.
- 4.1.36. Вохобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил -Т.: Шарқ, 2002. 180
- 4.1.37. Гадоев Э.Ф., Югай Л.П. Экспортно-импортные операции. I-II том - Ташкент : Узбекистан, 2006.. Ганеев К.Г. Бухгалтерский учет внешнеэкономической деятельности. М.: Книжный мир, 2003.
- 4.1.38. Григорьев Ю.А. Импортные операции: учет, анализ, правовые аспекты. М.: Книжный мир, 2002.
- 4.1.39. Григорьев Ю.А. Экспортные операции. Сырьевые ресурсы, промышленное оборудование, продовольственные товары, работы и услуги. М.: Книжный мир, 2003.
- 4.1.40. Дэвид Александер, Анне Бриттон, Энн Йориссеню Международные стандарты финансовой отчетности: от теории к практике / Пер. с англ. В.И.Бабкин, Т.В.Седова. М.: Вершина, 2005.

- 4.1.41. Жуков В.Н. Учет продажи продукции и товаров по внешнеторговому договору. // Бухгалтерский учет, 2008. №16, 10 с.
- 4.1.42. Иткин Ю.М., Сотиволдиев А.С. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана. I-II том -Т.: АБиАРУз, 2000. 560 с.
- 4.1.43. Комисарова И.П., Марель М.Б. Экспорт, импорт: учет и налоги. М.: Налог Инфо: Статус-Кво 97, 2007.
- 4.1.44. Кондраков Н. П. Бухгалтерский учет. -М.: Инфра, 2001. 366с.
- 4.1.45. Кулинина Г.В., Шалашова Н.Г., Юшкова С.Д. Учет, анализ и аудит внешнеэкономической деятельности организаций. М.: Бухгалтерский учет, 2006.
- 4.1.46. Лермонтов Ю.М. Как принять экспортный акциз к вычету. // Бухгалтерский учет, 2008. №23, 44 с.
- 4.1.47. Международные правила толкования торговых терминов «Инкотермс-2000».
- 4.1.48. Международные стандарты финансовой отчетности 2005: издание на русском языке. М.: Аскери-АССА, 2005.
- 4.1.49. Николаева О. Международные стандарты финансовой отчетности: - М.: УРСС, 2001. 264с.
- 4.1.50. Ржаницына В.С. Учет и налогообложение экспортно-импортных операций. // Бухгалтерский учет, 2008. №18, 12 с.
- 4.1.51. Стровский Л.Е. и др. Внешнеэкономическая деятельность предприятия: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / Под ред. Л.Е.Стровского. 4-е изд., перераб и доп. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007.
- 4.1.52. Ульянова Н.В. Экспорт-импорт: бухгалтерский и налоговый учет. М.: Бератор, 2004.
- 4.1.53.Эзолова-Сорокина О.С. Принципы учетной политики при учете импортных операций. // Бухгалтерский учет, 2008. №16, 78 с.

4.1.54. Ҳайдаров Ш., Тухсанов Ҳ., Ортиқов Х. Хорижий валютадаги активлар ва мажбуриятлар ҳисобининг бугунги ҳолати таҳлили. //Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби, 2008. №6(24).

4.1.55. Шагиясов Т.С., Сагдуллаева З.А., Файзиев Б.З. Финансовой, управленческой анализ. Ташкент 2008 г. 317 с.

4.1.56. Bernstein and Masky Cases. Cases in Financial statement reporting and Analysis, second edition Boatsman, Griffin, Vickrey and Williams 2013, 395 p

4.1.57. Introduction to Project Analysis. A training manual for Central Asia in English and Russian. Vol.5 - Readings in Project Analysis. 342p.

4.1.58. Ferris. Financial Accounting and Corporate Reporting: A casebook fourth edition, 2012, 326p.

4.2. Кўп томлик китоблар:

4.2.1. Брыкова Н.В. Автоматизация бухгалтерского учета: лабораторный практикум: учебное пособие для начального профессионального образования. Академия. 2009.

4.2.2. Казакова Н.А. Экономический анализ в оценке бизнеса и управлении инвестиционной привлекательностью компании. Учебное пособие для ВУЗов. Финансы и статистика. 2009г.

5. Журнал ва газеталардаги мақолалар

5.1. Ҳақимов Б. Фирма пул оқимлари ҳисобини юритиш. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2008. 1-сон 70 б.

5.2. Ҳақимов Б. Халқаро тажриба: Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2008. 2-сон 80 б.

5.3. Остонакулов О. Функционал қиймат таҳлилининг мақсади ва босқичлари. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2008. 1-сон 88-94 б

5.4. Остонакулов О. Функционал қиймат таҳлили шакллари. Молия. Илмий журнал. -Тошкент, 2009. 4-сон, 87 б.

5.5. Диссертация иши юзасидан 2013 йил 12мартда Тошкент молия институтидаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг

концептуал асослари ва ижтимоий-иқтисодий шарт шароитлари” мавзусидаги Республика олий ўқув юртлараро илмий-амалий анжуманида “Ташқи иқтисодий фаолиятда ташқи савдо айланмасининг ҳисоблашув муомалалари ҳисобини ташкил этиш” номли мақолам чоп этилди ;

5.6. Диссертация иши юзасидан 2013 йил 12мартда Тошкент молия институтидаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг концептуал асослари ва ижтимоий-иқтисодий шарт шароитлари” мавзусидаги Республика олий ўқув юртлараро илмий-амалий анжуманида “Хўжалик субъектларида консигнация муомалалари бўйича ҳисоблар” номли мақолам чоп этилди ;

6. Статистика ва ҳисобот материаллари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2002-2012 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

7. Интернет сайтлари

- <http://www.Gov.uz>
- <http://www.Pravo.uz>
- <http://www.Zionet.uz>
- <http://www.Stat.uz>.
- <http://www.analitic.ru>
- www.tamojnaya.ru